*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.
e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com.
web sayt: www.21asr.uz

2013 йил 27 июнь, пайшанба, 26 (502)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI




# «ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!»

**«Кимки бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни кўрмоқчи, улардан тўлиқ хабардор бўлмоқчи бўлса, биринчи галда Андижонга келсин, ўзини андижонлик деб атайдиган одамларнинг меҳнати, ҳаёти, бугунги ютуқлари билан яқиндан танишсин».**
Ислом КАРИМОВ.

## Ифтихор

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДА ТАНТИ, ФИДОЙИ ВА ИШБИЛАРМОН АНДИЖОНЛИКЛАРНИНГ ЯРАТУВЧАНЛИК, БУНЁДКОРЛИК СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИГА БЕРИЛГАН БУНДАЙ ЮКСАК БАҲО МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН МЕҲНАТИ ТОМ МАЪНОДА ҚАДР ТОПАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТДИР

Зеро, Андижон ўз салоҳияти билан алоҳида ажралиб туради. Буни қуйидаги рақамлар мисолида ҳам кўриш мумкин: биргина ўтган йилнинг ўзида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг номинал қиймати 6047,7 млрд. сўмга етиб, ишлаб чиқаришда реал ўсиш суръатлари 108,4 фоизни ташкил этгани ҳам ислоҳотлар самарасидан дарак бериб турибди.

Маълумотларга кўра, 2013 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 10,1, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 11,9, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш 7,1, қурилиш ишлари ҳажми 1,7, чакана товар айланмаси ҳажми 12,1 ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 9,5 фоизга ўсган. Саноат тармоқлари, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал модернизациялаш ва ривожлантириш ҳисобига 181 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилган.

Маҳаллийлаштириш дастури ижроси бўйича ҳудудий корхоналар томонидан 13,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Импорт ўрнининг самараси 6,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш йўналишида ҳам сезиларли ўзгаришларга эришилди. Натижада умумий хизматлар ҳажмининг 117,2 фоизга ўсиши таъминланди.

Шу ўринда биринчи чоракда 538 та янги хизмат кўрсатиш объекти барпо этилгани, уларнинг 446 таси қишлоқ жойларида қад ростлаганини таъкидлаш лозим. Ана шу даврда 776 та янги кичик бизнес субъекти ташкил этилгани эса Андижон заминида ишбилармонлик ҳаракати кенг оммалашаётганидан далолатдир. Эътиборлиси, ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ вилоят бўйича жами 20 мингта, жумладан, қишлоқ жойларида 14 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди.

Маълумки, Андижонда замонавий деҳқончилик маданияти борасида ҳам бой тажриба тўпланган. Балиқчилик Аъзамжон Йўлдошев етакчилик қилаётган фермер хўжалиги фаолияти билан танишганимизда бунга яна бир карра амин бўлдик. Аъзамжон — олий маълумотли иқтисодчи. Назарий билимларни амалиёт билан уйғунлаштириш ишлаб чиқариш жараёнида жуда қўл келмоқда.

6 ►►




Солиҳ ЗОИР олган суратлар

**— ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗ ФИКРИ ВА ҒОЯЛАРИНИ, ЖАМИЯТДА СОДИР БЎЛАЁТГАН ВОҚЕА-ҲОДИСАЛАРГА МУНОСАБАТИНИ ЭРКИН ИФОДА ЭТАДИГАН ИШОНЧЛИ МИНБАРГА АЙЛАНДИ, — ДЕЙДИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МАТБУОТ ВА АХБОРОТ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ ЎРОЛ ОЛТИБОЕВ. — БУЛАРНИНГ БАРЧАСИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ЯНАДА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ, СЎЗ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР САМАРАСИДИР.**

4 с.

ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ:

## Кенг имконият ва юксак самаралар

АХБОРОТ СОҲАСИ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримов жамиятимизнинг сиёсий ва маънавий ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистлар фаолиятини ижтимоий ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, давр талабларига жавоб берадиган журналист кадрларни тайёрлаш, оммавий ахборот воситалари бозорини ривожлантириш ҳамда соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да давлатимиз раҳбари юксак самара келтираётган ушбу изчил ишларни давом эттиришга доир янги вазифаларни белгилаб берди.

3 ►►

**Концепция**

## Фуқаролик жамияти асоси

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ 2013 ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА АСОСИЙ ЭЪТИБОРНИ «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»ДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСЛАРИНИНГ ИЖРОСИГА ҚАРАТДИ

Хусусан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида», «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги янги қонун лойиҳалари тайёрланган бўлса, амалдаги «Телекоммуникациялар тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва принциплари тўғрисида»ги қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритилмоқда. Шу ўринда оммавий ахборот воситалари ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатлари ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этилиб, инвентаризация қилинганини таъкидлаш мумкин.

2 ►►

**Парламент** фаолияти

## Электорат ҳузурида беш кун

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ РЕГЛАМЕНТИГА МУВОФИҚ, O`ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН НАВБАТДАГИ УЧРАШУВИДА АСОСИЙ ЭЪТИБОР АМАЛДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАРГА ҚАРАТИЛДИ

Бу эса ўз-ўзидан қатъий депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу ўринда бу галги учрашувлар «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси», Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги 2012 йил якунлари ва 2013 йилдаги устувор йўналишларга бағишланган маърузаси ҳамда «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифаларга қаратилгани билан ҳам ниҳоятда муҳим сиёсий тадбирга айланди.

Таҳлиллардан маълум бўлишича, фракция аъзолари беш кун давомида мамлакатимиз минтақаларида жами 335 та учрашув ўтказишган бўлса, уларда 27,1 минг нафар сайловчи иштирок этди.

2 ►►



### Фарғонада қонун ижроси қатъий назорат қилинаяпти

3 ПАРЛАМЕНТДА



### Нарпайлик депутатларни ким уйғотади?

5 ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 25 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | |
|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▼ | 1926,07 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▼ | 3218,56 |
| 1 Дания кронаси | ▼ | 367,49 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ | 569,89 |
| 1 АҚШ доллари | ▲ | 2093,10 |
| 1 Миср фунти | ▼ | 298,86 |
| 1 Исландия кронаси | ▼ | 16,97 |
| 1 Канада доллари | ▼ | 1994,38 |
| 1 Хитой юани | ▲ | 341,06 |
| 1 Малайзия ринггити | ▼ | 650,84 |
| 1 Польша злотийси | ▼ | 630,26 |
| 1 СДР | ▼ | 3170,27 |
| 1 Туркия лираси | ▼ | 1080,31 |
| 1 Швейцария франки | ▼ | 2232,88 |
| 1 ЕВРО | ▲ | 2787,43 |
| 10 Жанубий Корея вони | ▲ | 18,07 |
| 10 Япония иенаси | ▲ | 212,35 |
| 1 Россия рубли | ▼ | 63,92 |
| 1 Украина гривнаси | ▲ | 261,87 |

# Фуқаролик жамияти асоси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄



Ушбу тадқиқотда миллий қонунчилигимиз билан бирга хорижий давлатлар (Австрия, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Жанубий Корея)нинг ОАВ ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид қонун ҳужжатлари ҳам қиёсан таққосланди.

— «Лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам такомиллаштирилди, — дейди қўмита раиси, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Абдурашид Жўрабоев. — Мазкур лойиҳа Президентимизнинг 2012 йил 16июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида ишлаб чиқилган бўлиб, у бозор иқтисодиёти талабларига, халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ, бюрократик ғовларни бартараф этиш орқали тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилгандир. Қўмитанинг назорат-таҳлил фаолияти қуйи палатанинг «2013 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастури»га мувофиқ амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жумладан, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида» ва «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонунларнинг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси тизимидаги ижроси атрофлича ўрганилганини қайд этиш мумкин.

Маълумки, Парламент қуйи палатаси фаолиятида амалдаги қонунлар ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш ҳам муҳим йўналишлардан саналади. Шу тамойилга асосланган ҳолда қўмита «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳамда «Ўзбекэнерго» ДАК тизимида қандай бажарилаётганини атрофлича ўрганиб чиқди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳамда «Ўзбекэнерго» ДАК тизимида электрон ҳужжат айланиши, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, ахборот ресурсларини ривожлантириш, интерактив давлат хизматлари турларини кенгайтириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилган.

— Компаниямизда ахборотлаштириш борасида амалга оширилган лойиҳалардан бири электр энергиясидан фойдаланувчиларни автоматлаштирилган тарзда рўйхатга олиш ва улар билан ҳисоб-китоб бўйича идоравий биллинг ахборот тизимидир, — дейди «Ўзбекэнерго» ДАК раиси ўринбосари Рўзиқул Раимов. — Унга кўра, истеъмолчи электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилишга доир ахборотни реал вақт режимида тезкор олиши ва барча тўловларни электрон шаклда амалга ошириши мумкин.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси раиси Саидқул Арабовнинг айтишича, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонун талабларидан келиб чиқиб, кўчмас мулкни ҳисобга олиш ва мулкка бўлган ҳуқуқни электрон тарзда қайд этиш, замонавий технологиялар воситасида кадастр хизмати кўрсатиш тизимларининг дастлабки версиялари ишга туширилган.

— Лекин қонун ижросини назорат-таҳлил тартибида батафсил ўрганганимизда ҳар икки ташкилот фаолиятида бу борада баъзи камчиликлар мавжудлиги аниқланди, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Солиев. — Ҳар икки ташкилотда ҳам «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддаси талаби бажарилмаган. Яъни, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш концепцияси қабул қилинмаган. Бу эса иккала йирик тизимда ходимларнинг компьютер саводхонлигини янада ошириш талаб этилаётганини кўрсатади.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси марказий аппаратида локал тармоқлар самарасиз ишлатилаяпти. Ер участкалари мониторинги, Бино ва иншоотлар кадастри статистикасини жамлаш ва ишлов бериш бўлимларида замонавий ахборот тизими жорий этилмагани учун ҳанузгача барча ҳужжатлар қоғоз шаклида қабул қилинмоқда. Бу эса қонуннинг 7, 8 ва 12-моддалари талаблари бажарилмаётганидан далолат беради.

Ўтган даврда қўмита турли мавзуларда давра суҳбатлари ва семинар-тренинглар уюштиришга, уларда жамланган таклифларнинг тайёрланаётган қонун лойиҳаларида ўз аксини топишига жиддий эътибор қаратди. Хусусан, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ўтказилган «ОАВ фаолиятига замонавий медиа-технологияларни жорий этишнинг долзарб масалалари» мавзуидаги мулоқот ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

Мазкур тадбирда асосий мақсад ҳам фуқаролик жамиятининг асосий устунларидан бўлган босма ОАВ фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари, уларни ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техника базаларини такомиллаштиришнинг норматив-ҳуқуқий таъминоти, янги медиа-соҳасини ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологиялари аҳамияти масалаларини муҳокама этишга қаратилди.

Семинарда эътироф этилганидек, мамлакат медиа-маконида ОАВ сифатида рўйхатдан ўтган 220га яқин веб-сайт фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан эришилаётган натижалар тўғрисида жаҳон аҳлига тезкор ахборотлар тарқатилмоқда.

Алоқа, ахборотлаштириш ва коммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир эса «Дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантиришга доир қонунчилик базасини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» мавзусига бағишланди. Мақсад — «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунда белгиланган дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва ривожлантириш бўйича нормалар ижросини таҳлил қилиш, ахборот технологиялари бозорининг муҳим қисми бўлган дастурий таъминот индустриясини давлат томонидан қўллаб-кувватлашнинг оптимал йўлларини муҳокама қилиш ва соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдир.

Хулоса қилиб айтганда, кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнини замонавий ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг бугунги фаолияти эса ана шу соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

# Электорат ҳузурида беш кун

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI asr»

Депутат билан сайловчининг юзма-юз мулоқотлари одамларнинг ижтимоий онги, ҳаётга бўлган муносабати ўзгариб, юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фуқаролик масъулияти, дахлдорлик ҳисси тобора ошиб бораётганини кўрсатди. Буни электоратнинг мурожаатлари кўпайгани ва ўз таклифларини илгари сурганидан ҳам сезиш мумкин.

Мазкур учрашувларда O`zLiDeP фракцияси аъзоларига юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид 1,5 мингга яқин мурожаат келиб тушган бўлса, шуларнинг 61,3 фоизи жойида ҳал этилди. Депутатларимиз томонидан ўз сайлов округларида ўтказилган учрашувлар маҳаллий ва марказий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Мисол учун, учрашувлар давомида жами 170 та материал эълон қилинган бўлса, шундан 32,7 фоизи босма нашрлар, 24,3 фоизи интернет тармоғи, 24,1 фоизи теле ва 18,9 фоизи радиоканаллар ҳиссасига тўғри келади.

Электорат ҳузуридаги юзма-юз мулоқотларда бугунги кунда энг долзарб масалалардан бирига айланган мева-сабзавот ва узумчиликни ривожлантириш борасидаги ишлар сайловчиларнинг диққат марказида бўлди. Шунинг учун ҳам фракция ташаббуси билан 9 та минтақани қамраб олган ҳолда мазкур мавзуда он-лайн тарзида семинарлар ўтказилди. Тадбирларда маҳаллий ижро ҳокимиятлари ва бошқарув органларининг 9 мингга яқин мутасаддилари, 500 дан зиёд фермер хўжаликлари раҳбарлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролик жамияти институти ходимлари иштирок этдилар.

Фракция аъзолари томонидан 12 та қишлоқ хўжалик корхонаси, 76 та фермер ва 15 та деҳқон хўжалиги, 28 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва сақлаш муассасалари фаолияти жойида ўрганилиб, таҳлил қилингани ҳам учрашувлардаги ўзига хос янгилик бўлди. Учрашув иштирокчилари бўлган фермерларнинг фикрича, ҳудудлардаги тадбиркорлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича улкан салоҳиятга эга. Қайта ишланган маҳсулотнинг қўшимча қиймати юқори эканини ҳисобга олсак, бу жараён қишлоқда турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим омили бўлиши табиийдир.

O`zLiDeP фракцияси аъзолари барча учрашувларда тараққиётимизнинг бир неча ўн йилликларини қамраб олган Концепциянинг устувор йўналишлари ижроси нафақат парламент, балки жойлардаги маҳаллий кенгаш депутатлари масъулиятини ҳам ошириши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг кўпайиши хусусида мушоҳада юритилганини таъкидламоқдалар. Мамлакат аҳолисининг қарийб 75 фоизи хусусий секторда банд экани ҳам бу фикрни исботлайди. O`zLiDeP эса айни пайтда ўз эътиборини айнан ўрта синф манфаатларини янада кучлироқ ҳимоя қилиш, мавжуд шарт-шароитларни яхшилашга қаратмоқда.

Партия Сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини таъминлайдиган ҳуқуқий кафолатлар нафақат қонунчиликда белгилаб қўйилиши, балки амалиётда ҳам унга қатъий риоя қилиниши керак, деган ғояни илгари суриб келмоқда. Зеро, сайловчилар билан учрашувларда маълум бўлганидек, ҳали ҳам айрим ҳудудлардаги ижро ҳокимияти вакилларининг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва бизнесини кенгайтиришга ёрдам бериш ўрнига хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ёки маъмурий чораларни қўллаш орқали уларга босим ўтказишга уриниш ҳолатлари учрамоқда.

Шу ўринда учрашувларда яна бир муаммо тадбиркорлик субъектлари томонидан кун тартибига олиб чиқилганини қайд этиш лозим. У ҳам бўлса, айрим жойларда автомобиль йўлларининг таъмирталаблиги ва электр энергияси таъминотидаги узилишлар оқибатида турли маҳсулотларни қайта ишлаш ва уни истеъмолчиларга етказиш билан шуғулланаётган кичик бизнес вакилларининг иқтисодий зарар кўраётганидир.

Учрашувларда билдирилган фикр-мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда, O`zLiDeP фракцияси аъзолари электорат манфаатини янада самарали ҳимоя қилиш мақсадида қуйидаги масалаларга устувор аҳамият қаратиш керак, деб ҳисоблайди.

Биринчидан, жойларда ижро ҳокимияти билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга йўналтирилган инновацион технологияларни олиб киришга доир ишларни жадаллаштириш. Бу борада фермер ва деҳқон хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, саноат корхоналари ва савдо ташкилотлари ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш яхши самара беради.

Иккинчидан, Фермерлар кенгашига берилган ҳуқуқ ва ваколатлардан фойдаланган ҳолда, ҳудудий партия ташкилотлари ва фракция билан ҳамкорликда ушбу тузилма вакиллари эътиборини фермерлар манфаатини янада кучлироқ ҳимоя қилиш, аниқроқ айтганда, уларнинг жойлардаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан муносабатларини янада такомиллаштиришга қаратиш зарур. Биринчи навбатда, боғдорчилик учун ер ажратиш масалаларини жиддий таҳлил қилиш, мамлакат илмий-тадқиқот доиралари билан бу борадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда Фермерлар кенгаши салоҳиятидан унумли фойдаланиш талаб этилади.

Учинчидан, ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга йўналтирилган фермер хўжаликлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш жараёнини изчил давом эттириш лозим. Бу жараён, O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, «маҳсулот тайёрлаш — қайта ишлаш — сақлаш — етказиб бериш — ички ва ташқи бозорда сотиш» кўринишидаги яхлит занжирнинг шаклланиши билан боғлиқдир. Айнан шундай ёндашув фермерлар ва хусусий тадбиркорлар ўртасида кооперация алоқаларини кучайтириш, озиқ-овқат товарлари савдосини яхшилаш, ҳудудларнинг инфратузилмасини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

# Эртамиз бугунгидан-да фаровон

«МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИ ҲАМ, ЭРТАНГИ КУНИМИЗ, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ ҲАМ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ XXI АСРДА ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДАН ҚАНДАЙ ЎРИН ЭГАЛЛАШИ ҲАМ — БУЛАРНИНГ БАРЧА-БАРЧАСИ, АВВАЛАМБОР, ЯНГИ АВЛОД, УНИБ-ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҚАНДАЙ ИНСОН БЎЛИБ ҲАЁТГА КИРИБ БОРИШИГА БОҒЛИҚДИР»

**Равшан ҲАЙДАРОВ,**
«XXI asr»

Юртбошимизнинг ана шу фикрларидан келиб чиқиб, истиқлолимизнинг 22 йиллик тарихига назар ташласак, чиндан ҳам маънан етук, ақл-заковати юксак, мустақил фикрлайдиган ва келажакка ишонч билан қарайдиган баркамол авлодни вояга етказиш бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилганига яна бир карра амин бўламиз.

Масалан, янги авлод вакилларининг жисмонан соғлом вояга етишлари учун яратилган шароитларни олайлик. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар натижасида бугунгача 9600 та умумтаълим мактабининг 81 фоизи янгидан қурилган ва реконструкция қилинган спорт залларига эгадир. 1549 та коллеж ва лицей эса 100 фоиз замонавий жиҳозланган спорт иншоотлари билан таъминланган. Болалар спорти объектларида фаолият кўрсатаётган 57,5 мингдан ортиқ секцияларда 1 миллион 800 минг нафардан зиёд бола 30 дан зиёд спорт тури билан шуғулланаётир. Бу 2003 йилга нисбатан 1,4 баробар кўп, демакдир. Ўтган йиллар мобайнида қизларни спортга жалб этиш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Хусусан, 2012 йили мамлакатимизда спорт билан шуғулланаётган қизлар сони 2003 йил билан солиштирганда 1,6 баробар, жумладан, қишлоқ жойларда 1,3 баробарга ўсди.

— Президентимизнинг «Ҳар қандай инсон буюк куч соҳибидир, фақат уни уйғота олиш керак», деган сўзларида жуда катта маъно бор, — дейди Тошкент ирригация ва мелиорация институти магистранти Алина Насриддинова. — Ана шу кучни биз, ёшларда уйғотиш учун юртимизда барча шароитлар яратиб берилди. Шу ўринда билдирилган юксак ишонч зиммамизга жуда катта масъулият юклашини ҳам айтиш лозим. Табиийки, бу ишончни оқлаш, нималарга қодир эканимизни исботлаш учун яқинда Бухорода бўлиб ўтган Универсиада беллашувларининг гандбол бўйича ўтказилган баҳсларида астойдил ҳаракат қилдим ва Тошкент шаҳри жамоаси таркибида олтин медални қўлга киритдим. Эндиги мақсадим мамлакат терма жамоаси сафидан ўрин олиб, халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилишдир.

Таъкидлаш жоиз: катта ҳаёт остонасига қадам қўяётган ўғил-қизларни тадбиркорликка жалб этиш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш борасидаги кенг кўламли чора-тадбирлар ҳам тадбиркорларнинг янги авлодини шакллантиришга хизмат қилаяпти.

Жумладан, 2012 йили тижорат банклари томонидан ёш тадбиркорлар, фермер ва ҳунармандларга ажратилган кредитлар 509,3 млрд. сўмни ташкил этган. Бу 2008 йилга нисбатан 2,9 баробарга кўпдир. Ўз навбатида жорий йилнинг январь-апрель ойларида ана шу йўналишда фаолият юритишни мақсад қилган ёшларга 2012 йилнинг мос даврига нисбатан 2,6 баробар кўп ёки 163,2 млрд. сўм кредит ажратилганини кузатиш мумкин.

Шу ўринда 2012 йили коллеж битирувчиларининг бизнес лойиҳалари учун ажратилган 25,6 млрд. сўм маблағ эвазига 9 минг нафардан зиёд битирувчи ўз бизнесини йўлга қўйганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Олти ой аввал тикувчилик цехини ташкил этиш учун «Микрокредитбанк»дан 7,2 миллион сўм имтиёзли кредит олгандим. Ўтган давр мобайнида ана шу маблағдан мақсадли фойдаланиб, 15 кишини иш билан таъминладим. Айни пайтда цехимизда фақат аёлларга мўлжалланган маҳсулотлар тикилаётган бўлса-да, яқин келажакда болалар учун кийим-кечак ишлаб чиқаришни ҳам режалаштираяпмиз, — дейди Тошкент давлат иқтисодиёт коллежи битирувчиси, «Jean and Philippe» МЧЖ раҳбари Самандар Бахтиёров. — Фурсатдан фойдаланиб, барча тенгдошларимни ўзларини бизнес соҳасида синаб кўриш, яратилаётган қулай шарт-шароитлар ва имтиёзлардан унумли фойдаланишга даъват этмоқчиман. Зеро, шу тариқа улар нафақат ўзларининг молиявий шароитларини яхшилаш, балки мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожи ва юртимиз равнақига ҳам муносиб ҳисса қўшиш имконига эга бўладилар.

# Тадбир

## ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ САОДАТИ

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашида журналистика соҳасида «Инсонга наф келтириш – олий бахт» республика анъанавий танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий медиа тизимининг жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароитлар яратилаётгани, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун қўшимча имтиёз ва қулайликлар берилаётганини таъкидлади.**

**Журналистларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш, уларни янги ижодий марралар сари руҳлантириш, барча жабҳада кечаётган ислоҳотлар жараёнини кенг, таҳлилий асосда ёритилишини таъминлаш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.**

**Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан 2011 йилдан буён ўтказилаётган «Инсонга наф келтириш – олий бахт» республика танловидан кўзланган мақсад инсон манфаати йўлидаги ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари, баркамол авлод тарбияси, аҳолини кучли ижтимоий муҳофазалаш, меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга оид эзгу саъй-ҳаракатларнинг аҳамиятини халқимизга етказишда фаоллик кўрсатаётган журналистларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир.**

**Жорий йилда мазкур танловга 100 нафарга яқин журналистнинг мингдан ортиқ ижодий иши тақдим этилди.**

**Танловда босма оммавий ахборот воситалари йўналиши бўйича «Правда Востока» газетаси мухбири Елена Нам, электрон оммавий ахборот воситалари йўналишида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» информацион дастурлар бош муҳарририяти репортёрлар гуруҳининг мухбир-репортёри Абдурозиқ Ҳалимов биринчи ўринга лойиқ топилди. Бир гуруҳ журналистларга совғалар топширилди.**

ЎзА.

## ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ:

# Кенг имконият ва юксак самаралар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄



**Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ,**
Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори

> **ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА МАМЛАКАТИМИЗ ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР САФИДАН ЖОЙ ОЛИШНИ ВА БУ БОРАДА УЛКАН МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШИШНИ ЎЗ ОЛДИГА МАҚСАД ҚИЛИБ ҚЎЙГАН. БУГУН ОДАМЛАР ДУНЁҚАРАШИ ВА ТАФАККУРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ҒОЯТ МУҲИМ ВАЗИФА БЎЛИБ, БУНДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ МУҲИМ РОЛЬ ЎЙНАЙДИ.**

Ўзбекистонда кенг кўламли демократик ислоҳотлар доирасида аҳолининг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга соладиган ўндан ортиқ қонун қабул қилинди, сўз эркинлигини амалга ошириш, шунингдек, ахборот соҳасини жадал ривожлантириш учун мустаҳкам қонунчилик базаси шакллантирилди. Цензурага йўл қўймаслик, оммавий ахборот воситалари фаолиятини фақат суд тартибида тўхтатиш мумкинлигини кўзда тутувчи талаблар, журналистик текширув ўтказиш, ахборот излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи қонунан мустаҳкамланди. Оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш қоидалари соддалаштирилди, ахборот соҳасида жамоат, нодавлат институтлар ва тузилмаларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Истиқлол йилларида оммавий ахборот воситаларига давлатнинг раҳбарлик қилишига чек қўйилди, ахборот соҳасига бозор механизмлари изчил ва босқичма-босқич жорий этилмоқда, нодавлат телевидение, радио, ахборот агентликлари тармоғи, шунингдек, босма ҳамда аудиовизуал оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлайдиган жамғармалар ривожланмоқда. Даврий нашрлар тизими деярли қайтадан ташкил этилди, янги республика умумсиёсий газеталари ва жамиятнинг турли гуруҳ ҳамда қатламларига мўлжалланган бошқа кўплаб босма нашрлар ва журналлар ташкил қилинди. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари халқаро ахборот маконига қўшилди.

Бу ўзгаришлар мамлакатимизда босма оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Сўнгги ўн йилда уларнинг сони икки баравар кўпайди.

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари жамиятда фикрлар хилма-хиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар ким оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикрини очиқ айтиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари бутун дунёда бўлгани каби тарқатаётган ахборотининг холислиги ва ишончлилиги учун жавобгардир.

Шундай бўлса-да, оммавий ахборот воситаларининг мустақил фаолиятини, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, журналистлар ва техник ходимлар касб маҳоратини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш учун ҳали кўплаб ишларни амалга ошириш лозим. Ахборот алмашинуви, интернет-журналистикани жадал ривожлантириш, аҳолининг хилма-хил ахборотга бўлган талабини қондиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда бошқа ташкилотлар соҳани ривожлантиришга фаол ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди таҳририятлар моддий-техника базасини такомиллаштириш, уларнинг фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, кадрлар малакасини ошириш, журналистларнинг касб маҳорати, мафкуравий ва ижодий савиясини янада юксалтиришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Айниқса, ҳудудлардаги оммавий ахборот воситалари фаолиятини рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жамоат фонди 900 дан зиёд босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари билан шериклик муносабатларини йўлга қўйган. 150 дан ортиқ босма ва интернет-нашрга уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда демократик жараёнларни ёритишдаги иштирокини фаоллаштириш учун грантлар ажратилди. Хусусан, 2011-2012 йилларда «Ўзбекистон Республикасининг пойтахтимиздаги етакчи таҳририятларида ҳудудий босма оммавий ахборот воситалари журналистларининг малакасини ошириш» лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилди. Бунинг натижасида барча ҳудудлардан икки юз нафардан ортиқ журналист малака оширди. Бу ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда. Бундан ташқари, «Мамлакатимиз босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларида республикада амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларни тизимли ҳамда мунтазам ёритиш» лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилмоқда. Лойиҳа доирасида ўттиздан зиёд ижтимоий аҳамиятга эга долзарб мавзулар бўйича ахборот-таҳлил материаллари тайёрланади. Шу йилнинг беш ойида фонд томонидан қирқдан ортиқ давра суҳбати, конференция, семинар-тренинг, маҳорат сабоқлари, очиқ мулоқотлар ҳудудларда ҳам ўтказилди.

Фондимиз халқаро лойиҳаларни амалга оширишда ҳам иштирок этаётир. ЕХҲТ-нинг «Давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотлари ахборот хизматларининг салоҳиятини такомиллаштириш» лойиҳаси, «Минтақавий мулоқот» халқаро нодавлат ташкилотининг (Словения) «Жамиятда очиқ ва транспарентликни таъминлашда ахборот хизматлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ҳамкорлиги» лойиҳаси шулар жумласидандир. Ушбу лойиҳалар доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Фарғона ва Хоразм вилоятларида ҳудудий семинар-тренинглар, Тошкентда иккита амалий семинар ўтказилди, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматларининг қарийб 300 нафар ходими ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида иккита очиқ мулоқот ташкил қилинди. Бундай ишлардан мақсад фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ролини мустаҳкамлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, ижтимоий аҳамиятга эга ахборотдан фойдаланишни янада яхшилашга доир тажриба алмашиш ҳамда таклифлар ишлаб чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиқ-ошкораликни, давлат органларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлашдир. Бундан ташқари, фондимиз ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш соҳасидаги дастурларнинг амалга оширилишини оммавий ахборот воситаларида ҳар томонлама ҳамда сифатли ёритишга қаратилган «Оила ва болалар фаровонлигини мустаҳкамлаш масаласини ёритишда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари салоҳиятини ошириш» лойиҳаси устида иш олиб бормоқда.

2013 йил 1 мартдаги маълумотларга кўра, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сифатида 220 дан зиёд веб-сайт рўйхатга олинган. Электрон оммавий ахборот воситалари жадал ихтисослаштирилмоқда. Айни пайтда ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий мавзуларга ихтисослашишидан ташқари, замонавий жамият учун муҳим бўлган маънавий-маърифий, тиббиёт, болалар, спорт ва ахборот-технологиялари мавзуларини ёритиш билан шуғуланаётган веб-сайтлар сони ҳам ортмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча етакчи нашрлари ўз веб-сайтини янгилади. Масалан, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА, «Халқ сўзи» ва «Народное слово», «Правда Востока», «Учитель Узбекистана» газеталарининг расмий сайтлари янги шаклга эга бўлиб, ўқувчиларга барча жабҳалардаги долзарб ахборотларни изчиллик билан тақдим этмоқда.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари олдига жамиятни мамлакатимизда рўй бераётган социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ҳақида янада самарали хабардор қилиш, уларда жараён транспарентлигини таъминлайдиган «тўртинчи ҳокимият»нинг иштирокини кенгайтириш, халқаро ахборот маконида миллий манфаатларимизни илгари суриш учун ўз салоҳияти ҳамда рақобатбардошлигини ошириш вазифасини қўйди.

Ушбу мақсадларга эришиш учун оммавий ахборот воситалари ходимларининг билим ва кўникмаларини, жумладан, халқаро даражадаги тажрибали журналистларни жалб этиш орқали мавзуга оид тренингларни ўтказиш, Ўзбекистон вазирлик ҳамда идоралари раҳбарларининг матбуот анжуманларини мунтазам ташкил қилиш ҳисобидан оширишга доир ишларни фаоллаштириш даркор.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятига демократик стандартларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чора-тадбирларни амалга ошириш, уни янада эркинлаштириш, ислоҳотлар жараёнининг мажбурий таркибий қисми сифатида уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш жамиятимизни демократлаштиришни чуқурлаштиришнинг муҳим шартларидан.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз демократик ривожланган давлатлар сафидан жой олишни ва бу борада улкан муваффақиятларга эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бугун одамлар дунёқараши ва тафаккурини кенгайтириш ғоят муҳим вазифа бўлиб, бунда оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш учун ушбу соҳадаги барча долзарб масалалар изчил, босқичма-босқич ва тизимли асосда ҳал этилаётир.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»га мувофиқ давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, ахборот соҳасига бозор механизмларини, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган қатор қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди. Уларнинг қабул қилиниши ва амалда қўлланиши фуқароларнинг сўз эркинлиги бўйича конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар ошкоралигини таъминлашга хизмат қилади.

Жумладан, «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши оммавий ахборот воситаларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уларнинг иқтисодий ҳамда молиявий мустақиллигини таъминлаш, ўзаро рақобатни кучайтириш, муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш борасида янада кенг шароитлар яратади. Оммавий ахборот воситаларининг молиявий барқарорлиги ва мустаҳкамлиги Конституциямизда белгиланган сўз эркинлиги принципини амалда рўёбга чиқаришнинг муҳим омилларидандир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, глобаллашув, ахборот жамиятини шакллантириш шароитида журналистлар, айниқса, ёш журналистларни илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартиришга доир ишларни кучайтириш даркор.

Шу муносабат билан журналистларнинг хорижий тилларни, замонавий медиа ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши, уларни таҳририятлар фаолиятига татбиқ этиши муҳимдир. Шунингдек, журналистлар маҳорати ва касб кўникмаларини ошириш, уларда қатъий ижтимоий позиция, ўз ишига масъулият билан ёндашишни шакллантириш, ихтисослаштириш ҳам долзарб масалалардандир. Бу мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишини ислоҳ этишнинг барча йўналишлари бўйича чуқур ахборот-таҳлил материалларини чоп этиш имконини беради.

Бугун ҳаётнинг ўзи оммавий ахборот воситалари олдига фикрлар хилма-хиллиги, мамлакатимиз ва хорижда рўй бераётган воқеаларни ҳисобга олган ҳолда, халқимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқ ва ошкоралигини янада тўлиқ таъминлаш, Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган ташқи ҳамда ички сиёсатни янада фаол ёритиш вазифасини қўймоқда.

Бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароит яратилган. Бундай кенг имкониятларга эга бўлган ва фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари бугунги кунда жамоатчилик фикрини ифода этадиган, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини янада демократлаштириш йўлида ҳаракатга келтирувчи куч бўлиши, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси Ватанимиз тақдири учун ўз масъуллигини ҳис этган ҳолда эл-юртимизнинг янада равнақ топишига ўз ҳиссасини қўшишга интилишига кўмаклашиши лозим.

**(ЎзА)**

**Депутатлик** назорати

# Фарғонада қонун ижроси қатъий назорат қилинаяпти

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ БЮДЖЕТ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ҚЎМИТАСИДА «ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАГИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ЎТКАЗИЛГАН НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI asr»



Қўмита раиси, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Бахтиёр Иминовнинг таъкидлашича, ушбу тадбир «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор вазифалар ва иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигидан келиб чиқиб ташкил этилди.

Қонун ижросини ўрганиш чоғида Фарғона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2012 йил якуни бўйича 61,8 фоизни ташкил этгани ёки 2011 йилга нисбатан 0,6 фоизга ошгани маълум бўлди. 2013 йил 1 январь ҳолатига кичик бизнес субъектлари сони 18053 тага етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,1 фоизга ўсган. Агар 2012 йилда фаолият юритган якка тартибдаги тадбиркорлар 14196 нафарни ташкил этган бўлса, 2013 йилнинг дастлабки чорагида бу рақам 14823 нафарга етган. Айни пайтда вилоятда 7737 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётганини ҳисобга олсак, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун талабларининг сўзсиз бажарилиши Фарғона вилоятида ҳам нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини ойдинлашади.

> **ҚОНУН ИЖРОСИНИ ЎРГАНИШ ЧОҒИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТДАГИ УЛУШИ 2012 ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА 61,8 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТГАНИ ЁКИ 2011 ЙИЛГА НИСБАТАН 0,6 ФОИЗГА ОШГАНИ МАЪЛУМ БЎЛДИ.**

Йиғилишда қайд этилишича, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан 2012-2015 йилларга мўлжалланган ҳудудий иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилиб, уларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳисобидан янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳолининг реал даромадларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, 2012 йилда вилоят бўйича 92,4 мингта янги иш ўрни яратилиб, унинг 70,3мингтаси ёки 76 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди.

— Қонун ижросини ўрганиш жараёнида вилоятда фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан 2010-2012 ва 2013 йилнинг биринчи чорагида тадбиркорлик субъектларига жами 880,4 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилгани маълум бўлди, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Равиль Собиржонов. – Шу ўринда 2012 йили ажратилган кредитлар 2011 йилга нисбатан 137 фоиз, 2010 йилга нисбатан эса 214 фоизга ошганини таъкидлаш мумкин. Шунингдек, ўтган йили маҳаллий корхоналар томонидан 70дан ортиқ давлатга 436,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилиниб, унинг 52,1 млн. доллар ҳажмидагиси кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келган. Ушбу рақамлар Фарғона вилоятида соҳани изчил ривожлантириш, тадбиркор эркинлигини таъминлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётганидан далолат беради, албатта.

Аммо депутатлар «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ижросини атрофлича ўрганиш чоғида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганини қайд этдилар. Жумладан, вилоятда кичик корхона ва микрофирмалар сони ортиб бораётганига қарамай, рўйхатдан ўтганларига нисбатан вақтинча фаолиятини тўхтатганлари ҳам оз эмаслиги аниқланди.

Бундан ташқари вилоятда 2012 йилда 2011 йилга нисбатан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши 3,9 фоизга ошган бўлса-да, бу кўрсаткич Қўқон шаҳрида 3, Боғдод туманида 0,4, Сўх туманида 1,3, Ёзёвон туманида 1,9 ва Фурқат туманида эса 2,2 фоизга пасайганлигини таъкидлаш жоиз. Шуларни инобатга олиб, депутатлар ушбу масалаларда тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозимлигига эътибор қаратдилар.

Йиғилиш якунида ҳудудда олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар билдирилиб, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлигига зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш тавсия этилди.

**Ишлаб** чиқариш

## ЯНГИ ТИКУВ ЦЕХИ



**Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида «Сардор текстиль бизнес» масъулияти чекланган жамияти томонидан янги тикув цехи ишга туширилди.**

**– Президентимиз раҳнамолигида юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, қишлоқларда янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлмоқда, – дейди корхона раҳбари Улугбек Ниёзов. – Бизнинг «Пахтакор» маҳалласида фаолият бошлаган янги тикув цехимизга 15 нафар коллеж битирувчиси ишга қабул қилинди.**

**Банк кредити асосида замонавий ускуна ва тикув машиналари билан жиҳозланган корхонада ишлаб чиқарилаётган турли ҳажм ва бичимдаги сифатли кийим-кечак ва чойшабларга ички бозорда талаб ортмоқда.**

А.МУСТАФОҚУЛОВ, ЎзА мухбири.

# Марказий банк касб-ҳунар коллеж битирувчиларини қўллаб-қувватламоқда

МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИГА АЙЛАНГАН КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ЛОКОМОТИВИ СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛАЁТГАН БАНК ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС

**Мухтор ШОНАЗАРОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти бошқарма бошлиғи ўринбосари



Кейинги йилларда молия муассасаларининг фаолияти тобора ривожланиб, хизмат кўрсатиш даражаси юксалаяпти. Бу жараёнда банкларнинг ички ва ташқи бозор ўзгаришларига тез мослашиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Натижада истеъмолчилар эҳтиёжини олдиндан аниқлаш ва шунга мос равишда хизмат кўрсатиш имкониятлари кенгаймоқда.

Айниқса, Президентимиз Ислом Каримовнинг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалар асосида бу жараён янада изчил йўлга қўйилди. Ана шу муҳим ҳужжат ижросини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган банк-молия хизматларини тарғиб этиш мақсадида Марказий банк ташаббуси билан Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорлигида республикамизнинг барча ҳудудларида «BankExpo-2013» ҳудудий миллий кўргазмалари ўтказилаётгани мижоз билан банк биркорлигини қўллаб-қувватлаш ва уй меҳнатини енгиллаштириш мақсадида таклиф этилаётган банк хизматлари бўйича маълумот ва маслаҳатлар беришга қаратилганини ҳам айтиб ўтиш керак.

Кўргазмалар доирасида тижорат банклари томонидан энг чекка ва аҳоли зич туманларда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, микрофирмалар, деҳқон ва фермер хўжаликлари,

> **ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН 5 ОЙИ МОБАЙНИДА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ БИТИРУВЧИЛАРИГА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН 44,4 МЛРД. СЎМ КРЕДИТ МАБЛАҒЛАРИ АЖРАТИЛДИ. ЭЪТИБОРЛИСИ, АНА ШУ МАБЛАҒЛАР ҲИСОБИГА 7 240 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ.**

**Тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш учун 2011-2013 йиллар давомида ажратилган ва ажратиладиган кредитлар**




ўртасидаги муносабатларни такомиллаштирди.

Унда республикамиздаги мавжуд тижорат банклари, етакчи суғурта компаниялари, Ўзбекистон лизинг берувчилар уюшмаси ҳамда ахборот технологиялари компаниялари ўз маҳсулот ва хизматлари билан иштирок этишмоқда. Кўргазмалар давомида инновацион маҳсулотлар тақдимоти, турли мавзуларда семинарлар, давра суҳбатлари ва очиқ мулоқотлар ўтказилиши, қатор йўналишлар бўйича ташкил этилган танлов ғолибларига имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар ва эсдалик совғалар топширилиши унинг аҳамияти юқори эканидан далолат беради.

Мазкур тадбир «Обод турмуш йили» Давлат дастурига ҳамоҳанг тарзда, кичик тадбиркорлик субъектлари, ёш оилалар, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги таълим муассасалари битирувчилари, аёллар тадэнди иш бошлаётган ёш тадбиркорлар бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳалар бўйича ўтказилган танловлар ғолибларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топшириш маросимлари ҳам ўтказилмоқда.

Жорий йилда имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлган 404 нафар тадбиркорга жами 74,6 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Ана шу кредит маблағларининг 2,2 млрд. сўми касб-ҳунар коллежини тамомлаган ёш тадбиркорлар, 6,1 млрд. сўмдан зиёди эса тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилди.

Шу ўринда тижорат банклари томонидан коллеж битирувчиларининг бизнес лойиҳаларига имтиёзли кредитлар ажратиш борасидаги ишлар доирасида 2013 йилда 150 млрд. сўмдан зиёд маблағ, яъни ўтган йилга нисбатан 3 баробардан кўп кредит йўналтириш кўзда тутилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жорий йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида касб-ҳунар коллежи битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 44,4 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Эътиборлиси, берилган сармоялар ҳисобига 7 240 та янги иш ўрни яратилди.

Ана шу хайрли ишларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Келажак овози» нодавлат нотижорат ташкилоти билан ҳамкорлик яхши самара бераётганини таъкидлаш жоиз.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Ипотека-банк», «Микрокредитбанк», «Агробанк», «Қишлоқ қурилиш банк», «Асака» банк, Савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, ўрта махсус касб-ҳунар маркази ҳамкорлигида «Менинг бизнес ғоям», «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» ҳамда «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» лойиҳалари ҳам ўтказилмоқда.

Хусусан, «Менинг бизнес ғоям» лойиҳасида ўтган йили 28 минг нафардан зиёд коллеж ва лицей битирувчиси иштирок этди. Улардан 7 008 нафари махсус ўқитилиб, 147 нафари «Ёш тадбиркор» ўқув оромгоҳига жалб этилди. Лойиҳа доирасида 298 нафар иштирокчига тижорат банкларидан имтиёзли фоизларда 1,5 млрд. сўмдан зиёд микрокредитлар ажратилди.

Ёш авлодни қишлоқ хўжалиги соҳаси билан боғлиқ тадбиркорликка жалб этиш, энг аввало, чекка ҳудудлардаги ёшларни иш билан таъминлаш, аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда 2009 йилдан буён ўтказилаётган «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» лойиҳасининг аҳамияти беқиёсдир. Ўтган йили бу лойиҳага 6 минг нафар ёшлар жалб этилиб, уларнинг 124 нафарига 1,2 млрд. сўмга яқин имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг миқёсли тарғибот-ташвиқот ишлари эса амалга оширилаётган ишлар моҳиятини кенг тушунтириш имконини бераяпти. Хусусан, кичик бизнес субъектларига, шу билан бирга, ёш тадбиркорларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида тижорат банкларининг барча филиалларида «Тадбиркорлар хонаси» ташкил этилиб, ёш тадбиркорларга малакали мутахассислар томонидан кредит ажратиш, банк хизмати кўрсатиш юзасидан зарур маслаҳатлар ҳам бериб борилаётир.

Бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимизнинг қон томири саналган банк тизими аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, жойларда ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш каби эзгу мақсадларга хизмат қилаяпти. Бу эса мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий тараққиёт йўли нақадар тўғри танланганидан, банклар тадбиркорларнинг молиявий ҳамкори ва ишончли таянчига айланганидан далолатдир.

# «Тўртинчи ҳокимият»га бирламчи эътибор

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА БОШҚА СОҲА ВА ТИЗИМЛАР ҚАТОРИ МИЛЛИЙ МАТБУОТИМИЗНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, СОҲА ХОДИМЛАРИНИ, АЙНИҚСА, ЁШ МУТАХАССИСЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ. БУ ЖАРАЁН НАФАҚАТ МАРКАЗ, БАЛКИ ВИЛОЯТЛАРДА ҲАМ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА



**ИСТИҚЛОЛГАЧА СУРХОНДАРЁДА БИТТА РАДИОТАРМОҒ, БАРМОҚ БИЛАН САНАРЛИ ГАЗЕТАЛАР ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН БЎЛСА, АЙНИ ПАЙТДА 1 ТА РАДИОКАНАЛ, ТЎРТТА ТЕЛЕКАНАЛ ВА 33 ТА ГАЗЕТА-ЖУРНАЛ ИШ ОЛИБ БОРАЯПТИ. ВОҲАДА БОШҚА ТИЛЛАРДА ҲАМ ГАЗЕТАЛАР ЧОП ЭТИЛИБ, ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР НАМОЙИШ ҚИЛИНАЁТИР.**

Самарқандда ҳам босма нашрлар сони кўпайгани, улар сифати кескин яхшилангани, шубҳасиз, ОАВ фаолиятига доир қонунчилик мустаҳкамлангани билан боғлиқдир. Мутахассисларнинг эътирофича, айни пайтда вилоятда 49 та газета ва 6 та журнал фаолият юритмоқда. Ушбу жамоаларнинг ижодий изланишлари эса мамлакат миқёсида бўлиб ўтаётган нуфузли танловларда ҳам эътироф этилаяпти. Хусусан, жорий йилда «Олтин қалам» миллий танловида «Зарафшон» ва «Самаркандский вестник» бирлашган таҳририяти босма оммавий ахборот воситалари ўртасида ўтказилган «Энг яхши журналистик материал учун» номинациясида ғолиб, деб топилди.

— Ҳақиқатан ҳам истиқлол халқимизга сўз эркинлигидан фойдаланиш ҳуқуқини берди. Буни таҳририятимиз мисолида ҳам кўриш мумкин, — дейди «Зарафшон» ва «Самаркандский вестник» бирлашган таҳририяти бош муҳаррири Фармон Тошев. — Ижодкорларимизнинг жамоатчилик билан ишлаш, маҳаллий кенгашлар фаолиятини ёритиш борасидаги тажрибаси ҳам шундан далолат бермоқда. Шу ўринда таҳририят ходимларининг икки нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист унвонига, бир нафари «Меҳнат шуҳрати» ордени, икки нафари эса «Шуҳрат» медалига лойиқ топилганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Мустақиллик йилларида туман ва шаҳар газеталарига ҳам эътибор кучайди.

— Газетамиз март ойидан бошлаб ҳафтасига бир марта, А2 форматда, 4,5 минг нусхада чиқа бошлади, — дейди «Пастдарғом ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири Бахтиёр Шукуров. — Айтиш мумкинки, кейинги йилларда матбуотга бўлган эътибор туфайли нашримизнинг мулоҳазага чорловчи чиқишлари мазмунан бойиди. Жорий йилда Президентимизнинг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида»ги фармойиши Самарқандда ҳам матбуотга бўлган эътиборни янада кучайтирди. Қонун лойиҳасини фаолиятимизга татбиқ этган ҳолда, бугунги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти хусусида аҳолини кенгроқ хабардор қилиш, аниқ ва тезкор ахборот беришга интилаяпмиз. Қолаверса сиёсий партиялар ва улардан сайланган депутатлар фаолиятини ёритишга эътибор кучайди.

— Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда Самарқанд матбуоти бутунлай янги босқичга қадам қўйди, — дейди Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими раҳбари Амрилло Аҳмедов. — Бу, энг аввало, мазмун ва сифат ўзгаришларида кўринаяпти. Ҳозирда замонавий компьютер, телевидениеда тасвирга олиш ва узатиш аппаратлари, рақамли телевидение имкониятларининг чегараси йўқ. Вилоятдаги ОАВ ходимлари, журналистлар бундай шароитлардан унумли фойдаланмоқдалар.

— Оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг ўз фикри ва ғояларини, жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабатини эркин ифода этадиган ишончли минбарга айланди, — дейди Сурхондарё вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Ўрол Олтибоев. — Буларнинг барчаси оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар самарасидир. Хусусан, истиқлол шарофати билан юртимизда «тўртинчи ҳокимият»нинг самарали фаолият юритишини таъминлашга йўналтирилган ўндан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Ахборот соҳасининг демократик меъёр ва талабларга тўла мос келадиган қонунчилик базаси яратилгани эса, ўз навбатида, соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Мана, бир қаёс: истиқлолгача Сурхондарёда битта радиотармоқ, бармоқ билан санарли газеталар фаолият юритган бўлса, айни пайтда 1 та радиоканал, тўртта телеканал ва 33 та газета-журнал иш олиб бораяпти. Воҳада бошқа тилларда ҳам газеталар чоп этилиб, телекўрсатувлар намойиш қилинаётир. Эътиборлиси, фаолият кўрсатаётган телеканалларнинг учтаси, газеталарнинг эса йигирмага яқини нодавлат оммавий ахборот воситаларидир.

— Аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида ўтган йили «Вахшивор» радиотелевидение узатиш станциясига янги рақамли телевизион узатгич ўрнатилиб, кўрсатувларни эфирга тарқатишнинг замонавий усули жорий этилди, — дейди Сурхондарё вилоят радиотелеузатиш маркази директори Маманисо Лолаев. — Ҳозир вилоят аҳолисининг 40 фоизга яқини рақамли телевидение асосида 12 та дастурни томоша қилмоқда. 2017 йилгача воҳада тўлиқ рақамли телевидениега ўтилиб, теледастурлар сонини 36 тага етказиш мўлжалланмоқда.

— Соҳа кадрларининг ихтисослашиб бораётгани оммавий ахборот воситаларининг янада ривожланишини таъминлаётир, — дейди Ўрол Олтибоев. — Буни «Сурхон ёшлари», «Термиз оқшоми», «Давр мезони», «Чағониён», «Заря сурхана», «Маънавият гулшани» каби босма нашрларнинг мазмуни, сифати, чиройли дизайнида ҳам кўриш мумкин.

Яна бир гап: жанубий вилоятдаги нашрлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинаётган танловларда ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

— Шу йил эълон қилинган грант танловида «Келажакка мустақил фикр, маънавий юксаклик ва соғлом дунёқараш билан борамиз» мавзуидаги лойиҳамиз ғолиб, деб топилганидан хурсандмиз, — дейди «Сурхон ёшлари» газетаси бош муҳаррири Исроил Шомиров. — Жамоат фондининг 14 миллион сўм гранти ҳисобидан мавзуга доир мазмунли мақолалар чоп этиш, семинар-тренинг машғулотлари, давра суҳбатлари ўтказишни режалаштираяпмиз. Бундан аввал фонднинг ўн миллион сўм грант маблағи ҳисобидан ёшларнинг ҳуқуқий билимини оширишга ҳисса қўшган эдик.

**Мухаббат РАВШАНОВА, Фарход ТОШБОЕВ тайёрлади.**

**ФАРҒОНА**



Қўштепа туманидаги Қоражийда МФЙда O`zLiDeP фаоллари Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳамда «Обод турмуш йили» Давлат дастуридан келиб чиқадиган муҳим вазифаларни муҳокама қилдилар.

**АНДИЖОН**



«Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли» мавзуидаги ўқув-семинарда Хонобод туманидаги корхона ва муассасаларда иш олиб бораётган БПТ раислари иштирок этдилар. Тадбирда кичик бизнес имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, бу борадаги илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш юзасидан муҳим фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

**НАМАНГАН**



O`zLiDeP Наманган шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган «Обод турмуш — фаровонлик кафолати» мавзуидаги давра суҳбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини янада оширишда партия фаолларининг вазифалари хусусида атрофлича сўз юритилди.

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2013 йил 27 июнь, пайшанба web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

# Қуйи бўғин — катта куч

544 НАФАР ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ШИФОКОР, 1422 НАФАР ЎРТА ТИББИЁТ ХОДИМИ БЎЛГАН БУХОРО ШАҲАР ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИДА ИШ ОЛИБ БОРАЁТГАН БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ АЪЗОЛАРИ АМАЛДАГИ ҚОНУНЛАРНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ ИЖРОСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДАЛАР

**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI asr»

Партиянинг дастурий мақсад-вазифалари, Сайловолди платформаси, айниқса, Юртбошимизнинг «Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» мавзуидаги маърузаси мазмун-моҳияти аҳолининг кенг қатлами, айниқса, талаба-ёшларга кенг тушунтирилмоқда.

Азизбек Элбеков етакчилик қилаётган мазкур қуйи бўғинда махсус Ҳаракат дастури ҳам ишлаб чиқилган.

— Ўз фаолиятимизни аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ишларидан айри ҳолда тасаввур этиш қийин, — дейди БПТ раиси. – Айни пайтда бирон-бир маслакдошимизнинг шунчаки иш олиб боришга ҳаққи йўқ. Негаки, O`zLiDePнинг жамиятимиздаги обрў-эътибори ва мавқеини мустаҳкамлаш учун қуйи бўғинлардан алоҳида фаоллик талаб этилаяпти.

Шу ўринда O`zLiDeP вилоят кенгаши ҳузуридаги «Сиёсий таълим маркази» ва Бухоро шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилаётган семинар-тренинг, давра суҳбатларида ҳам мазкур қуйи бўғин аъзолари фаол иштирок этаётганини, бу эса БПТ фаолиятини янада жонлантиришда ижобий самара бераётганини таъкидлаш жоиз.

Шаҳар тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги жами 380 ўринли учта шифохонада ўтган йили 16 мингдан зиёд бемор даволанди. Жорий йилнинг дастлабки чорагида эса бу кўрсаткич 4180 нафарни ташкил этди. Бирлашмага қарашли касалхоналарнинг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги даволаш-профилактика ишларида кутилган натижаларга эришиш имконини бераяпти.

**O`ZLIDEP ДАСТУРИДАН**

**«Партия инсон саломатлиги, ҳозирги давр тиббиётининг янги ютуқларига таянган ҳолда дунёда илғор ўринларга интилаётган Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ривожи, оналик ва болаликни ҳимоялаш, умр узоқлигини таъминлаш йўлида курашади».**



Чунончи, 11 та ҳудудий поликлиника, сил касалликлари диспансери, болалар тиш хасталиклари поликлиникаси ва бошқа тиббиёт муассасаларида ҳам аҳолига намунали хизмат кўрсатилмоқда. Шунингдек, бир қатор янги шифо масканлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жумладан, ўтган 2012 йилда 40 минг аҳолига мўлжалланган 2 қаватли янги касалхона биноси ишга туширилди. Мустақилликнинг 22 йиллиги арафасида эса 7-сонли поликлиниканинг янги биносини қуриб, битказиш кўзда тутилган. Шубҳасиз, бундай кенг кўламли ишлар ёш, иқтидорли кадрлар захирасини яратишни талаб этади.

Азизбек Элбеков етакчилигидаги БПТ атрофига уюшган O`zLiDeP аъзоларининг саъй-ҳаракати билан эса Бухоро тиббиёт коллежида таҳсил олаётган талаба-ёшларнинг кўпчилиги ўз ўқув амалиётини айнан шу масканда ўтаб, билим, тажриба ва кўникмасини янада мустаҳкамлаш имконига эга бўлганини таъкидлаш жоиз. Ушбу коллеж битирувчиларини доимий иш билан таъминлаш масаласи ҳам партия аъзолари эътиборида.

174 нафар аъзоси бўлган БПТнинг Намоз Мавлонов, Дилафрўз Зарипова, Гулчеҳра Ҳусейнова, Ҳилола Тошева, Гулшод Аҳмедова, Олимжон Рўзиев, Фарҳод Аҳмедов сингари фаоллари эса бу жараёнда ўз ҳамкасбларига ўрнак кўрсатмоқдалар.

# Нарпайлик депутатларни ким уйғотади?

ЁКИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАРПАЙ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ O`ZLIDEP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЭЪТИБОРСИЗЛИГИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИГА ҲАМ ТАЪСИР ЭТАЁТГАНИ ХУСУСИДА

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI asr»

Айни пайтда Самарқанд вилоятида O`zLiDePнинг 19147 нафар аъзоси бўлиб, улар томонидан партия дастурида белгиланган вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Кейинги йилларда қуйи бўғинлар фаолияти такомиллаштирилаётгани, уларга иқтидорли ёшлар етакчиликка сайланаётгани партия ташкилотлари ишини кучайтириш имконини берди, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгашидаги БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Насиба Мўминова. — Хусусан, Нуробод, Пастдарғом, Иштихон, Ургут, Булунғур туманлари ва Самарқанд шаҳрида иш олиб бораётган бошланғич ташкилотлар фаолиятини намунали баҳолаш мумкин. Бунга ана шу ҳудудларда партия аъзолари ва депутатлар ҳамкорлиги тўғри йўлга қўйилгани асосий омил бўлаяпти. Масалан, Нуробод туманида жойлашган «Жанубий кон» бошқармасида иш олиб бораётган БПТнинг саксон нафардан ортиқ аъзоси партиявий тадбирларда ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам кўпчиликка ўрнакдир. БПТ хонасида партия фаолиятига оид барча маълумотларни топиш мумкин. Маслакдошларимиз сони ошиб бораётганини туман «Ўрмон хўжалиги»да ташкил этилган қуйи бўғин мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу, шубҳасиз, туман партия кенгаши ва маҳаллий кенгаш депутатларининг партиявий фаолиятга масъулият билан ёндашаётганларини ҳам кўрсатаяпти.



Шу ўринда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан белгиланган «БПТлар томонидан жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммоларни ўрганиш, уларни партиявий воситалар орқали ҳал этиш йўналиши»га оид вазифалар ижроси юзасидан депутатлар ва бошланғич ташкилот етакчилари иштирокида ўтказилаётган ўқув-семинарлар ҳам яхши натижалар берганини таъкидлаш жоиз. Шундан кейин Ургут туманида тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ҳам ташкил этилди. Мазкур тузилма томонидан тадбиркор Даврон Саитмуродовга пайпоқ ишлаб чиқариш корхонасини ишга тушириш учун амалий кўмак берилди. Айни пайтда корхона биноси қурилиши тугалланиб, керакли техника воситалари келтирилаяпти. Яна бир оилавий тадбиркор Раҳима Муҳаммадиевага ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун 80 млн. сўм кредит олишда ёрдам кўрсатилганди. Шу кунларда янги корхона биноси қад ростлаяпти. Келажакда бу ерда хотин-қизлар учун миллий либослар тайёрлаш йўлга қўйилиб, 20 нафар опа-сингилларимиз иш билан таъминланади. Партия фаоли Сожида Файзуллаева ташаббуси билан эса Ургутда «Ногирон аёллар уюшмаси»нинг туман бўлими иш бошлаш арафасида. Бунда депутатларнинг амалий ёрдами катта эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши депутати Толиб Абдураҳмонов етакчилик қилаётган «Армуғон» МЧЖда иш олиб бораётган БПТ аъзоларининг ҳам депутатлар билан ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Зеро, Марди Тўхтаев етакчилик қилаётган қуйи бўғиннинг 30 нафар аъзоси депутатлар кўмагида турли мавзуларда тадбирлар ўтказиб, электорат фаолиятига доир муҳим масалаларни ижобий ҳал этмоқдалар. Яқинда БПТ аъзолари корхонадаги иссиқхона майдонларини янада кенгайтириш ташаббуси билан чиқдилар.

Аммо ана шундай натижаларга қарамай, БПТлар билан маҳаллий кенгашлардаги депутатлар ҳамкорлигига барча жойда ҳам бирдек эътибор қаратилмаяпти. Масалан, халқ депутатлари Нарпай туман кенгашида олти нафар O`zLiDeP депутати фаолият олиб бораяпти. Туманда эса жами 21 та БПТ мавжуд. Аммо уларнинг депутатлар билан ҳамкорлиги хусусида ижобий фикр билдириш қийин. Депутатлар томонидан шу кунгача бирон-бир масала халқ депутатлари Нарпай туман кенгаши сессиясига олиб чиқилмаган.

— Пайариқ, Қўшрабод, Тайлоқ ва Жомбой туманларида ҳам депутатларимиз мавжуд имкониятлардан талаб даражасида фойдаланмаяптилар, — дейди Насиба Мўминова. — Бу ана шу туманлардаги фаолларимиз Самарқанд шаҳри, Ургут, Иштихон, Каттақўрғон туманларидаги депутатлар ва БПТ аъзолари фаолиятидан ўрнак олишлари лозимлигини кўрсатади. Зеро, эришаётган ютуқларимизга бундай оқсоқликлар соя солмаслиги керак.

## Хабарлар

### ФАҚАТ ВА ФАҚАТ ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

**Маълумки, партия устави ва дастурида кўзда тутилган мақсад ҳамда вазифаларни кенг тарғиб этиш, ғоявий-сиёсий ишлар самарадорлигини оширишда БПТлар зиммасига катта масъулият юклатилган.**

**Арнасой туманидаги 38 та бошланғич ташкилот ва улар атрофига уюшган 500 нафардан ортиқ O`zLiDeP аъзоси ҳам ана шу масъулиятни теран англаган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Туманда партия фаолларининг ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда. Туман молия бўлимида ташкил этилган қуйи бўғин томонидан ўтказилган семинарда ҳам БПТ етакчиларининг бурч ва мажбуриятлари ҳақида сўз юритилиб, белгиланган вазифаларни амалга оширишда жамоатчиликнинг куч ва имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.**

**— Даврнинг ўзи олдимизга янгидан-янги масалаларни кўндаланг қўймоқда, — дея таъкидлади ўз сўзида БПТ етакчиси Дилфуза Бўрибоева. — Шундай экан, ғоявий-маърифий ишларни янада кучайтириш, электорат манфаатлари йўлида сидқидилдан хизмат қилиш асосий бурчимизга айланиши лозим.**

ХОРАЗМ

**O`zLiDeP Янгибозор туман кенгаши ташаббуси билан қуйи бўғин етакчилари иштирокида «Оилавий бизнесни ривожлантириш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Унда хусусий бизнес билан шуғулланишни истаган фуқароларга оилавий корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш, реал даромадларни ошириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари ҳақида атрофлича тушунчалар берилди.**



КАШКАДАРЁ

**«Миллий ўзликни англаш ва ёшларни огоҳликка даъват этиш», «Баркамол авлодни шакллантиришда ўрта махсус таълимнинг аҳамияти ва зарурати». Шаҳрисабз тумани «Паҳлавон» соғломлаштириш марказида фаолият олиб бораётган қуйи ташкилот томонидан ўтказилган давра суҳбати ана шу мавзуларга бағишланди. Мулоқот давомида тумандаги барча қуйи бўғинларда ушбу мавзуга оид семинарлар, давра суҳбатларини доимий равишда ўтказишга келишиб олинди.**

### БПТ САФИ КЕНГАЙДИ

**O`zLiDeP Асака туман кенгаши ташаббуси билан «Агробанк» ОАТБ туман филиалидаги БПТда «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ва уларнинг ижроси» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

**30 дан ортиқ партия аъзоси қатнашган тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашишда БПТ аъзолари зиммасидаги вазифалар ижроси кўриб чиқилди.**

**Тадбир якунида партияга қабул қилинган 5 нафар ходимга аъзолик гувоҳномалари топширилди.**

# Биз учун масаланинг катта-кичиги йўқ

**— ДЕЙДИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ВА ОЛМАЛИҚ ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ДЕПУТАТИ, ОЛМАЛИҚДАГИ «АММОФОС-МАКСАМ» ОАЖ ДИРЕКТОРИ, O`ZLIDEP АЪЗОСИ БАҲОДИР СОДИҚОВ**






Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида ишлаб чиқариш жадал ривожланаяпти. Хусусан, корхонамизда ҳам жорий йилнинг беш ойи давомида корхонамизда 81,3 млрд. сўмлик ўрнига 86,3 млрд. сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Шунинг 39243 тоннаси аммофос, 89685 тоннаси супрефос, 12200 тоннаси суперфосфат, 36292 тоннаси PS-агродир. Қолаверса 3,2 млрд. сўмлик халқ истеъмоли моллари, 6000 $м^2$ ҳажмдаги ДВП, яъни ёғоч толали плиталар тайёрланди. Бир сўз билан айтганда, буюртмачиларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда.

Эришилаётган бу ютуқ ва муваффақиятларнинг мустаҳкам асоси бор, албатта. Жамоамиз аъзоларининг 60 фоизини иқтидорли, навқирон ёшлар ташкил этади. Биз уларнинг куч-ғайратига таяниб, ишлаб чиқаришни босқичма-босқич ривожлантиришга, турли ижтимоий масалаларни ўз вақтида ҳал этишга эришаяпмиз. Таъкидлаш жоизки, кадрлар захирасини мустаҳкамлашда Олмалиқ, Оҳангарон, Ангрен шаҳарларидаги касб-ҳунар коллежлари билан яқин ҳамкорлик қўл келмоқда. Ҳар йили коллеж битирувчиларидан 500 нафари ишлаб чиқариш амалиётини корхонамизда ўташади. Бу эса уларнинг ҳаётдан муносиб ўрин топишлари, бой тажриба эгаллашлари учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Масалан, 2011 йилда коллеж битирувчилари учун 65 та, 2012 йилда эса 115 та янги иш ўрни яратилган бўлса, жорий йилда 149 та қўшимча иш ўрни барпо этиш кўзда тутилаётир. Энг муҳими, партиямиз аъзоларининг саъй-ҳаракати билан бандлик масаласига жиддий эътибор билан ёндашилмоқда. Мана, бир мисол. Тошкент кимё-технология институтини тугатиб, корхонага ишга келган Камолиддин Раҳмонов қисқа вақт орасида «Аммофос-3» цехи бошлиғи ўринбосари вазифасига тайинланди. Айни кунда у ўз амалий фаолияти билан билдирилган ишончни тўла оқламоқда. Очиғи, илгари малакали ходим қидириб, қийналган кунларимиз ҳам бўлган. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ амалга оширилаётган оқилона сиёсат туфайли эндиликда ушбу муаммо ўз ечимини топмоқда. Туман бандлик хизмати томонидан ташкил этилаётган ярмаркалар орқали ҳам кўплаб ёшларимиз ўзларининг муқим иш ўринларига эга бўлишмоқда. Жумладан, М.Абдурауфова «Жўрабек лабораториес» МЧЖ, Г.Йўлдошева «Полекс» фирмаси, Г.Ашуралиева «Умида чорвачилиги» фермер хўжалиги, М.Ибрагимова «Айлин» фирмаси, ҳамда «Мафтуна Оҳангарон» хусусий корхоналарига ишга қабул қилинди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Биргина ўтган йилнинг ўзида O`zLiDeP Олмалиқ шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда қарийб 300 нафар йигит-қизга турли корхона ва ташкилотларга ишга жойлашишлари учун амалий ёрдам кўрсатилди.

Илгари депутат — халқ хизматкори, деган ибора бот-бот қўлланилар эди. Эндиликда туман кенгашидан Олий Мажлис палаталаригача бўлган органда халқнинг вакили ҳисобланади. Шундай экан, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан вилоят ва шаҳар кенгашларига депутатлик сўровлари киритмас, сайловчилар билан ёнма-ён турмас ва уларнинг ташвишларига шерик бўлмас эканмиз, билдирилган ишончни оқлашимиз қийин.

Айни кунда халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар кенгашидаги 30 нафар депутатнинг 10 нафари, вилоят кенгашига сайланган депутатларнинг 3 нафари O`zLiDeP аъзоси саналади. Энг муҳими, уларнинг аксарияти навқирон ёшлардир. Депутатлар учун кўтарилаётган масаланинг катта-кичиги йўқ. Аксинча, барча соҳада ўз лаёқатларини намоён этиб, эл дардига дармон бўлишга интилишмоқда. Ҳозирда Олмалиқда мингдан ортиқ кичик ва хусусий бизнес субъектлари фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг аксариятига касб-ҳунар коллежларини тугатган лаёқатли йигит-қизлар етакчилик қилаётгани эътиборга моликдир. Эркин тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун барча шарт-шароит яратилганлиги бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Айрим ёшларимиз жаҳондаги етакчи олий ўқув юртларида таҳсил олишган, уч ва ундан ортиқ хорижий тилларда бемалол сўзлашишади. Шу ўринда сиёсий фаоллик уларга хос бўлган асосий хусусият эканини таъкидлаш мумкин.

> **САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН УЧРАШУВЛАР ДАВОМИДА АЙРИМ ҚОНУНЛАРГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ, ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУНЛАРНИ ЯНАДА МУКАММАЛЛАШТИРИШ, ЖОЙЛАРДА ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИНИ ҚАТЪИЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ЮЗАСИДАН МУҲИМ ТАКЛИФ-МУЛОҲАЗАЛАР ЎРТАГА ТАШЛАНАЯПТИ.**

Сайлов округларида ўтказилаётган учрашувлар давомида айрим қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, қабул қилинган қонунларни янада мукаммаллаштириш, жойларда депутатлик назоратини қатъий йўлга қўйиш юзасидан муҳим таклиф-мулоҳазалар ҳам ўртага ташланаётир. Бугун Олмалиқда O`zLiDePнинг мингдан ортиқ аъзоси бўлса, уларнинг қарийб 200 га яқини «Аммофос-Максам» ОАЖ бошланғич партия ташкилоти атрофига бирлашган. БПТ асосий эътиборни бандлик масаласига қаратмоқда. Зеро, бу партиямизнинг дастурий мақсадларидан биридир. Жумладан, БПТ кўмагида эса Ш.Жабборов, Ғ.Акромов, Т.Бекметов каби фуқаролар касаначилик асосида ишга жойлаштирилди. Умуман, бугунгача корхонамизда ёш болали аёллар, уй бекалари учун касаначилик йўналиши бўйича 128 та янги иш ўрни яратилди.

Яқинда «Аммофос-Максам» ОАЖ сиҳатгоҳида Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ва унда белгиланган долзарб вазифалар юзасидан корхона фахрийлари, «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими вакиллари ҳамда ёшлар иштирокида тадбир ўтказилди. Унда бир қатор ҳамшаҳарларимиз сўзга чиқиб, яратилаётган имтиёзлардан фойдаланиб, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, оилавий бизнесни йўлга қўйиш, маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш имкониятига эга бўлишаётганини фахр билан таъкидлашди. Чиндан ҳам сўнгги йилларда ишлаб чиқариш ҳамда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳаларида хусусий секторнинг улуши кескин ошаётганлиги кўзга яққол ташланиб турибди.

Бир сўз билан айтганда, Олмалиқнинг истиқболи янада порлоқ. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамлик, миллатлараро тотувлик эришилаётган ютуқларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

**Носир ТОШЕВ тайёрлади.**

## Тадбиркорлик

### ФУРҚАТНИНГ «ЗУЛФИЯ»СИ ЁЛҒИЗ ЭМАС

**2012 йили Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун 409,7 млрд. сўм микдорида кредит ажратилган бўлса, жорий йилнинг беш ойида бу кўрсаткич 224,6 млрд. сўмдан ошди. Молия ташкилотлари вакиллари мазкур маблағларнинг 70 фоизи имтиёзли асосларда ажратилганини алоҳида таъкидламокдалар. Пировардида эса вилоят ялпи ҳудудий махсулоти таркибида кичик бизнеснинг улуши 66,7 фоизни ташкил этди.**

**Масалан, ОАТБ «Микрокредитбанк» томонидан ўтган йили 1981 та тадбиркорлик субъектига 22 млрд. 906 млн. сўм кредит ажратилгани натижасида 5702 та иш ўрни ташкил этилди. Жорий йилда эса 30 млрд. сўм атрофида сармоя йўналтириш кўзда тутилган. Ўтган беш ойда бу режа 101 фоизга бажарилиб, икки минг нафардан ортик киши иш ўринларига эга бўлди.**

**Банкнинг кўп йиллик мижозларидан бири — «Зулфия» хусусий ишлаб чиқариш ва савдо фирмаси ўз пайтида бор-йўғи битта тикув дастгоҳи билан иш бошлаган эди.**

**— «Микрокредитбанк»нинг имтиёзли кредити эвазига 20 дона тикув машинаси харид қилдик, — дейди фирма раҳбари Фурқат Узоқов. — Шундан сўнг буюртмаларимиз кўпайиб, элликдан ортиқ турдаги тикувчилик махсулотлари ишлаб чиқара бошладик. 2010 йилга келиб яна мазкур банкнинг 75 млн. сўмлик маблағи эвазига Италия, Туркия ва Хитой технологиялари олиб келинди. Ҳозирда идоралар учун шкафлар, стол-стуллар, компьютер столлари, ётоқхона ва ошхона жиҳозлари ишлаб чиқараяпмиз.**

**Шу ўринда тадбиркорнинг кичик ёшдаги болалар учун йигирмата деталдан иборат спорт ўйинлари жамланмаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйганини таъкидлаш жоиз. Унинг ёрдамида болалар юздан ортиқ конструкторлик бошқотирмаларини ўйнашлари мумкинлиги эътиборга олинган. Ичи паролон билан тўлдирилган турли шаклдаги ана шу ўйинчоқ бўлакларининг ҳар бири 500 граммдан ошмайди. Германия технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган бу жамланмага мактабгача таълим муассасаларида талаб катта бўлаяпти.**

**Тадбиркорликда ўзига хос йўл танлаган Фурқат Узоқов асли тарих ўқитувчиси. Бир неча йил Самарқанд туманидаги 47-мактабда дарс берган. Турмуш ўртоғи Ҳанифа опа эса бухгалтер. Корхона ҳисоб-китоб ишлари унинг зиммасида. Ўғли Фарҳод — менежер. У ёғочни қайта ишлаш цехини бошқаради. Кенжа фарзанд — Улуғбек эса Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ)нинг Самарқанд филиали талабаси бўлишига қарамай, корхонадаги компьютерлар билан боғлиқ ишларни бажаради.**

**O`zLiDePнинг таъсис съездида қатнашган Фурқат Узоқовнинг оила аъзолари ҳам партия фаоллари ҳисобланади.**

**Бир сўз билан айтганда, янгича қарашлар асосида тадбиркорлик фаолиятини тобора ривожлантираётган Фурқат Узоқов каби ишбилармонларнинг сафи Самарқандда тобора кенгаймоқда. Хусусан, қаҳрамонимиз истиқомат қилаётган «Андижони» махалласида айни пайтда 10 га яқин мебель ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд.**

**Шу ўринда Ф.Узоқовнинг Президент совриниучун ўтказилган «Ташаббус-2013» кўрик-танловининг туман босқичида «Йилнинг энг яхши тадбиркори» номинацияси ғолиби бўлиб, вилоят босқичида муваффақиятли иштирок этганини айтиш мумкин. Бундай рағбатлар кишига кўтаринки рух бағишлайди, албатта. Дарвоқе, сухбат чоғида тадбиркор яна бир эзгу ниятидан гап очиб қолди: у янги ўқув йилидан бошлаб маҳаллада жойлашган 39-умумтаълим мактаби ўқувчилари учун «Зулфия» фирмаси мукофотини жорий этмоқчи. Адабиёт, мусиқа, спорт, компьютер технологиялари ва информатика йўналишлари бўйича билимдон ўқувчиларни шу йўл билан рағбатлантирмоқчи...**

Муҳаббат РАВШАНОВА.

> **ЮРТИМИЗДА ҚАДИМИЙ МАДАНИЯТ, МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ ҚАЙТА ТИКЛАНАЁТГАНИНИ ҲИС ЭТИБ, ҚАЛБИМИЗ ФАХР ВА ИФТИХОРГА ТЎЛДИ. ВА БЕИХТИЁР «ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!» ШИОРИНИНГ АНДИЖОНДАГИ ИНЪИКОСИНИ КЎРГАНДЕК БЎЛДИК.**






# Ифтихор

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

**Шухрат РАҲИМОВ,**
**Солижон ЗОИРОВ** (суратлар),
«XXI asr»

— Дала — бамисоли очил дастурхон. Баъзилар билан гаплашиб қолсангиз, «табиат инжиқликлари панд бермаганда, юқори натижаларга эришган бўлардик», дейишади. Бу баҳона, холос, — дейди суҳбатдошимиз. — Чинакам деҳқон табиатдан эҳсон кутмай, ўз куч ва билимига таяниши, кузги хирмон учун йил-ўн икки ой қайғуриши лозим. Зеро, она-ер қатъиятли, меҳнатсевар инсондангина ўз марҳаматини аямайди.

Аъзамжоннинг ўзи ушбу тамойилга нечоғлик амал қилаётганини билмоқчи бўлсангиз, у раҳбарлик қилаётган «Қозоқбой ота» фермер хўжалиги фаолияти билан танишинг. Хўжалик асосан пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган, 40,7 гектар майдонда деҳқончилик қилади. Ерларнинг ўртача бонитети 50 балл атрофида. Шунга қарамасдан агротехник тадбирларни сифатли ўтказиш натижасида бултур ғалладан 65, пахтадан 35 центнердан хирмон кўтарилди. Давлатга хом ашё сотиш шартнома-режалари ортиғи билан бажарилди. Айни кунда фермер хўжалигида 23 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Шерзод Қодиров, Эргашали Рўзматов, Зулфия Қодирова каби ҳар ишда ўрнак, ташаббускор аъзоларнинг унумли меҳнат қилишлари ва ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шарт-шароит яратилган.

Аъзамжон Йўлдошев туман Фермерлар кенгашининг аъзоси сифатида ҳамкасблари билан мунтазам учрашиб, тажриба алмашиб туради. Юзага келган муаммоларни биргаликда ҳал этишга ҳаракат қилади. Юртбошимиз фармонига мувофиқ, янгича тузилма – Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ташкил этилганлиги деҳқонлар учун айни муддао бўлди. Улар кенгаш ёрдамига таяниб, фаолият доирасини янада кенгайтириш, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Андижон нафақат ишлаб чиқариш, балки ўзининг бой тарихи, қадимий маданияти билан ҳам юртимизда шуҳрат қозонган. Жумладан, Шаҳрихонга ташриф буюрган меҳмон борки, энг аввало, қўли гул ҳунармандлар томонидан тайёрланган пичоқлар билан қизиқади. Биз ҳам хизмат сафари чоғида шаҳрихонлик усталар ҳузурига ошиқдик. Туман Ҳунармандлар уюшмаси раиси, машҳур пичоқчи Мухторжон Юсупов билан пичоқ растасида учрашдик. Суҳбатимиз қисқа бўлди. Очиғи, шунчаки ошхона ёки кушхонада ишлатиладиган пичоқни ҳақиқий санъат даражасига кўтариш мумкинлигини шу ерда кўрдик.

— Бу раста қадимий миллий анъаналаримизни акс эттирадиган ўзига хос хазина, — дейди уста биз билан суҳбатда. — Маҳсулот деярли бир жойда тайёрланади, мижозларнинг диди ва қизиқишлари эътибордан четда қолдирилмайди. Бу эса замон талабига мос янгиликларни амалиётда жорий этиш учун жуда қулай. Айтайлик, илгари пичоқ тиғи ва қинини тайёрлашда бир хил андоза, шакл ва бичимдан фойдаланилган бўлса, ҳозир харидорлар талабига қараб, совға учун ҳатто туркий ва самурай қиличлари, тарихий анъаналарни ўзида тўла акс эттирувчи ханжарлар ҳам тайёрланаяпти. Шаҳрихон пичоқлари ички бозорни таъминлаш билан бирга ўзбек миллий маданиятини жаҳонга танитиш, тарихимиз ва халқимиз меросини кўз-кўз қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Уюшмамиз 2000 дан зиёд ҳунармандни бирлаштирган. Уларнинг кўпчилиги миллий ва халқаро кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашмоқда. Масалан, уюшма аъзоси Содиқжон Неъматов 2007 йилда Президентимиз соврини учун ўтказилган «Ташаббус» кўрик-танловида «Энг яхши ҳунарманд» сифатида эътироф этилган. Яна бир моҳир устамиз Раҳматхўжа Алихўжаев UNESCO Олтин медалига сазовор бўлди. Ёш уста Иброҳимжон Раҳимов эса Россия ва Украинада пичоқчилик, қуролсозлик йўналишлари бўйича ҳар йили ўтказиладиган кўргазма-танловларда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг 4 та дипломини қўлга киритган Иброҳимжон ҳозир Москвада ўз арт-устахонасини очганлиги ҳам эътиборга моликдир.

Суҳбатдошимизнинг айтишича, ўтган йили шаҳрихонлик усталар бир қатор изланишлардан сўнг машҳур Дамашқ пўлатини қайта тиклашнинг уддасидан чиқишибди. Бундай пўлатдан ясалган пичоқ ва ханжарлар нафақат мустаҳкамлиги, балки ўзгача бир жилоси билан ажралиб туришига биз ҳам амин бўлдик. Юртимизда қадимий маданият, миллий ҳунармандчилик анъаналари қайта тикланаётганини ҳис этиб, қалбимиз фахр ва ифтихорга тўлди. Ва беихтиёр «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиорининг Андижондаги инъикосини кўргандек бўлдик.



## «ШЎРТАНГАЗКИМЁ» мажмуаси жамоаси

27 июнь

миллий матбуотимиз ривожи йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган барча қалам аҳлини

**Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий қутлайди.**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар ва демократик янгиланишлар моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишдек ғоятда муҳим фаолиятингизда улкан зафарлар тилаймиз.



Соҳид ЗОИР олган сурат

# Озод юртнинг обод оиласи

Шундай инсонлар борки, улар билан ҳар қанча фахрлансак, ҳаёти ва меҳнат фаолиятидан ўрнак олсак арзийди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли журналист Тоҳир Мирҳодиев ана шундай таҳсинга лойиқ замондошларимиздан биридир.

Ўз ижодий фаолиятини 1961 йилда «Тошкент ҳақиқати» газетасида адабий ходимликдан бошлаган Тоҳир ака шогирдлари орасида уста номини олгунича «Қишлоқ ҳақиқати», «Халқ сўзи», «Тижорат ва адолат», «Савдогар», «Мулкдор», «XXI ASR» газеталарида масъул лавозимларда фидокорона меҳнат қилди.

Ушбу файзли хонадон элга танилишининг яна бир сабаби бор. Хусусан, устанинг ўғиллари — Хондамир ва Нодир ота изидан бориб, республикамизнинг бир неча нашрларида фаолият кўрсатган бўлсалар, яна бир суюкли фарзанди Дилдора оила бекаси — таниқли радиожурналист Муяссар опа касбини давом эттирмоқда.

Тоҳир ака ва Муяссар опа айни кунда 11 нафар невара ва икки эваранинг севимли бобоси ва бувиси бўлишса-да, ҳали-ҳамон ёш қаламкашлардан ўз ёрдамлари ҳамда маслаҳатлари, ҳаётий ўгитларини аямай, уларга йўл-йўриқ кўрсатиб келмоқдалар.

**Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, 27 июнь-4 июль кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво бироз булутли бўлиб, 28-30 июнь кунлари баъзи жойларда ёмғир ёғиши кутилмоқда. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади.**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси 13-18, ҳафта охирига бориб кундузи 28-33, 1 июлда 31-36 даража иссиқ бўлади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида кечаси 15-20, кундузи 31-36, ёмғир пайтида 28-30 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. Республикамизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида 28 июнда шамолнинг тезлиги 15-20 м/с.гача кучайиши мумкин. Термометр кўрсаткичлари кечаси 15-20, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлишини кўрсатмоқда. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда об-ҳаво ўзгариб туради, 28-29 июнда баъзи жойларда ёмғир ёғиши ва момақалдироқ бўлиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси 15-20, кундузи эса 28-30 даража иссиқ бўлади. Тоғли ҳудудларда ҳарорат кечаси 10-15 даража илиқ, кундузи 19-24 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.**




Реклама

«NAVOIYAZOT» ОАЖ
«HORAZM GILAMLARI» МЧЖ ВА «OZODA OZOD» ҚК
билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган кенг турдаги гиламларнинг Horazm ва Elegant артикулларини ишлаб чиқарувчи нархларида сотувга таклиф этади

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАРЧА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИ ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

*Барча турдаги тўловлар қабул қилинади*

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ ОЛИШ УЧУН САЙТИМИЗГА МУРОЖААТ ЭТИНГ:
www.navoiyazot.uz
СОТУВ БЎЛИМИ: (+99879) 229-25-34, 229-23-04.
E-mail: sale@navoiyazot.uz

Маҳсулотларни Тошкент шаҳридаги савдо дўконидан харид қилиш учун қуйидаги телефон рақамига мурожаат қилинг:
(+99890) 954-74-19
Маҳсулотлар сертификатланган!

ASAKA BANK
«АСАКА»
давлат-акциядорлик тижорат банки жамоаси

Ўзбекистон журналистлари ҳамда барча қалам аҳлини
**Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни**
билан чин дилдан қутлайди.
Мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар моҳиятини юртдошларимизга тезкор ва ҳаққоний етказиш йўлидаги машаққатли, шу билан бирга, шарафли ишингизда муваффақият ҳамиша ёр бўлсин!
Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
O'zLiDeP
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Носир ТОШЕВ, Ориф ЎЛМАСОВ, Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ.
БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 7471. Тираж: 22324
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X
9 772181 497009

Навбатчилар:
Н.ТОШЕВ, Р.ҲАЙДАРОВ.




# Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

нашриёт ва матбаа,
радио ва телевидение вакилларини,
барча журналистларни

*Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан табриклайди.*

27 июнь

Доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшаш,
бугунги ва эртанги кун талаблари
билан ҳамқадам бориш,
Ватанга меҳр ва садоқатни
мустаҳкамлаш каби фазилатларни
камол топтиришда сизнинг
улкан хизматларингиз бор.
Ана шу шарафли фаолиятингизда
омад ва зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

# О`ZLIDEP ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ

**Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.**

**Бугунги кунда ўзини тобора ғоявий кучли ва таъсирчан воситага айланиб бораётган ахборот соҳасини ривожлантиришдек олижаноб ишга бағишлаган барча журналистлар, нашриёт ва матбаа вакилларига мустаҳкам соғлиқ, ижодий баркамоллик тилаймиз.**

**Юртимиз тараққиёти йўлидаги серқирра фаолиятингизда омад ҳамиша ёр бўлсин!**



# Ўн миллиард — чегара эмас

2013 ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА СУРХОНДАРЁДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ҲИСОБИДАН 7670 ТА ҚЎШИМЧА ИШ ЎРНИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БЎЛСА, УНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ҲИССАСИГА ТЎҒРИ КЕЛДИ

**Наргиза ҚАХХОРОВА,**
«XXI ASR»



— Иқтисодиётда алоҳида ўрин тутаётган фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантиришга аёлларимиз ҳам салмоқли улуш қўшмоқдалар, — дейди Сурхондарё вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлуда Қобулова. — Ўтган йилнинг биринчи чорагида ишбилармон опа-сингилларимизнинг истиқболли лойиҳалари учун тижорат банклари жами 7 млрд. 766 млн. сўм миқдорида кредит ажратган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 10 млрд. сўмдан ошди.

Бугун воҳада фаолият олиб бораётган O`zLiDeP аъзоларининг 8134 нафарини хотин-қизлар ташкил этаяпти. Уларнинг 86 нафари энг ташаббускор қуйи бўғинларга етакчилик қилаяпти. Партия электорати бўлган тадбиркор ва фермерлар орасида эса 732 нафар хотин-қиз бор.

— Ҳақиқатан ҳам вилоятимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жараёнида партия аъзоси бўлган хотин-қизларнинг алоҳида ўрни бор, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Гулнора Холмаматова. — Маълумки, хотин-қизлар фаоллигини ошириш партиямиз диққат марказида турган масалалардандир. Шунинг учун ҳам Хотин-қизлар қўмитаси, «Тадбиркор аёл», «Ҳунарманд» уюшмалари, «Олтин мерос» хайрия жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

— Барқарор даромад манбаи нафақат оилалар, балки жамиятимиз тараққиётида ҳам муҳим омилдир, — дейди партия вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» раҳбари Матлуба Жўраева. — Шу нуқтаи назардан «Аёллар қаноти»нинг «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари», «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳалари опа-сингилларимизга хусусий бизнесни юритишда ҳам моддий, ҳам маънавий мадад бўлмоқда. 2012 йилда «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари-2012» лойиҳасининг ғолиби Саломат Ваҳобова, Қумқўрғон туманидаги «Аъзамбой Очилбой» хусусий корхонаси раҳбари Зулфия Чориева, жарқўрғонлик Дилафруз Каримова, шерободлик тадбиркор Сайёра Воҳидова ва Фотима Қаххорова сингари ўнлаб ташаббускорлар кўмагида жойларда аёллар учун янги иш ўринлари ташкил этила бошланди.

— Президентимиз Жиззах ва Сирдарё вилоятларида бўлганларида аёлларни эъзозлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлигини таъкидладилар, — дейди М.Жўраева. — Бундан сурхондарёлик опа-сингилларимизнинг ҳам кўнгиллари тоғдек кўтарилди. Бошқача айтганда, аёлларга эҳтиром кўрсатилиб, уларга юксак ишонч билдирилаётгани таҳсинга лойиқдир. Бу эса сурхондарёлик O`zLiDeP аъзоларини ҳам юксак марралар сари руҳлантираяпти.

## «Ёшлар қаноти»

# Ёш олимлар O`zLiDeP билан бирга

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА «ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР — ТИЗИМЛИЛИК, ИЗЧИЛЛИК ВА ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК» МАВЗУИДА ҲУДУДИЙ АНЖУМАН ЎТКАЗДИ

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
«XXI ASR»



Парламент қуйи палатаси аъзолари, O`zLiDeP фаоллари, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларидаги олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг ёш олимлари иштирок этган тадбирни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси ўринбосари О.Ҳамроев кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда ёш олимларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида атрофлича маълумот берди. O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзоси А.Алимов эса «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган қонунчилик ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида O`zLiDeP аъзоларининг иштироки, партиянинг илм-фан соҳаси вакиллари, хусусан, ёш олимларни қўллаб-қувватлашга доир амалий ишларига тўхталди.

— Мазкур илмий-амалий анжумандан кўзланган мақсад ҳам ёш олимларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш, жамиятимиз ривожида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришга ҳисса қўшишдан иборат, — деди А.Алимов.

Очиқ ва амалий мулоқот тарзида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Т.Турсунов «Давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялашнинг долзарб масалалари», O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Б.Мирзаев «Мамлакатни демократлаштириш борасида O`zLiDeP ҳудудий кенгашларининг долзарб вазифалари», Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси У.Бозоров «Суд-ҳуқуқ тизимидаги демократик ислоҳотлар: эришилган натижалар ва навбатдаги вазифалар», Урганч давлат университети профессори, иқтисод фанлари доктори Б.Рўзметов «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришда Ўзбекистон тажрибаси: ютуқлар ҳамда навбатдаги вазифалар» мавзуида маъруза қилдилар.

Шундан сўнг анжуман иштирокчилари шўъбаларга бўлинган ҳолда илгари сурилган ғоя, таклифлар юзасидан баҳс-мунозара олиб бордилар. Ёш олимлар ва катта илмий ходим-изланувчилар танлови ғолибларини тақдирлаш маросими эса ўзига хос тантана тусини олди.

— Анжуманда ёш олим сифатида қатнашаётганимдан мамнунман, — дейди Урганч давлат университетининг «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» кафедраси ўқитувчиси У.Ҳожиев. — Унда қонунчиликда корхонанинг ҳуқуқий мақомига бағишланган илмий маърузам билан иштирок этишдан ташқари, тенгдошларимнинг ажойиб назарий хулосалари билан ҳам танишдим. Айниқса, O`zLiDeP бу борада ташаббус кўрсатаётгани эътирофга лойиқдир.

## Хабарлар

### ОЛТИАРИҚ САНОАТИ

**Олтиариқ туманида жорий йилнинг ўтган даврида ялпи худудий маҳсулот 109,4 фоизга ўсган бўлса, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 113,5, халқ истеъмоли моллари 123,6, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми эса 104,5 фоизга ошган. Бундан ташқари чакана савдо айланмаси микдори 27 миллиард 977 миллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг айни даврига нисбатан 110,5 фоиз ўсишга эришилгани эътиборга моликдир.**

### ПОПДАН — НАМАНГАНГА

**O`zLiDePнинг «Мулкдор оила» лойиҳасининг Поп туман босқичида 10 нафар номзод орасидан бизнесга лаёқати, иқтисодий ва сиёсий билими, тадбиркорлик соҳасида олиб бораётган ишлари бўйича савол-жавобларда юқори натижа кўрсатган 5 нафари танлаб олинди. Улар лойиҳанинг вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.**

### ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

**Маълумки, кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига катта масъулият юклатилган. O`zLiDeP Шофиркон туман кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» мавзуидаги давра суҳбатида ана шулар хусусида сўз юритилди. Дарҳақиқат, бу тамойилнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши туфайли жойларда ўзини ўзи бошқариш органларининг сиёсий мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда. Тадбир давомида Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида ишлаб чиқилаётган қонунлар ижросини жойларда назорат қилиш, ушбу жараёнда омманинг фаол иштирокини таъминлаш юзасидан муҳим фикрлар ўртага ташланди.**

**ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ТУРЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШНИНГ 2013 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ЛОЙИҲАЛАРНИ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРДА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ЖОЙЛАРДАГИ ТАДБИРКОРЛАРГА АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛАЯПТИ.**



# Ҳеч ким четда турғани йўқ

O`ZLIDEP ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЛИМИ АҲОЛИНИНГ ҲАР БИР МУРОЖААТИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДА

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI ASR»

Хусусан, касбилик тадбиркор, «Қувват сарбон» МЧЖ раҳбари Қоржов Қувватов самарадорлиги юқори бўлган нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси харид қилиш масаласида ёрдам сўраб, мурожаат қилган эди. Бўлим мутахассисларининг саъй-ҳаракати билан Россиянинг «Восход» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган, 45 миллион сўмлик замонавий технология Касбига келтириладиган бўлди. Ғузорлик ёш тадбиркор, коллеж битирувчиси Суҳроб Бўронов эса ушбу бўлим мутахассислари кўмагида хўжалик совуни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Шу ўринда бўлим томонидан коллеж битирувчиларига ўтган уч ойда 1 миллиард 200 миллион сўм миқдорида кредит ажратилишига амалий ёрдам кўрсатилганини таъкидлаш мумкин.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш, оилавий тадбиркорликни изчил қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётган «Мулкдор оила» лойиҳаси доирасидаги мулоқот ва семинарларда маҳаллий ишбилармонлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам ташкил этилаяпти, — дейди Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Азиз Пирназаров. — Мазкур лойиҳанинг шаҳар ва туман босқичларида 200, вилоят босқичида эса 90 нафар ёшлар ва хотин-қизлар иштирок этишди. Мулоқотларга соҳа мутахассислари, тажрибали тадбиркор ва фермерлар жалб этилиб, машғулотлар баҳс-мунозаралар тарзида олиб борилди.

— Ўтган йили Касби иқтисодиёт коллежини банк йўналиши бўйича битириб, янги фермер хўжалигини ташкил этгандим, — дейди Мадина Хидирова. — Айни пайтда 18 гектар майдонда ғалла етиштириб, 10,4 гектар ердаги ғўза ниҳолларини парвариш қилаяпмиз. Бундан ташқари 2 гектардаги боғимиз ҳосилга кира бошлади. Шу орқали Шакаржўй қишлоғидаги 30 нафарга яқин ёшлар доимий ва мавсумий иш билан таъминландилар. Келгусида мевани қайта ишлаш цехини барпо этмоқчиман. O`zLiDeP лойиҳаларида иштирок этганим бу борада менга қўл келаяпти.

Шу ўринда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Оилавий корхона — мустаҳкам оила пойдевори» мавзуидаги давра суҳбатларида ёш тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, маҳаллаларда кичик бизнесни янада ривожлантириш, хотин-қизлар, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка йўналтириш орқали бандликни таъминлаш борасидаги вазифалар атрофлича муҳокама қилинганини, пировардида эса янги таҳрирдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунлар туфайли бизнеснинг муҳим шакли бўлган оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базаси янада мустаҳкамланганини эътироф этиш керак.

Бу жараёнда ҳам бўлим мутахассислари фаол иштирок этдилар. Азиз Пирназаровнинг таъкидлашича, бўлимга жорий йилнинг I чорагида ўттиздан зиёд мурожаат тушган бўлса, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилган.

Шу ўринда бўлим ходимлари ташаббуси билан O`zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши сессиясига озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш масаласи киритилганини таъкидлаш жоиз. Ҳозирда мазкур муҳокамалар якуни бўйича қабул қилинган қарор ижроси юзасидан қатъий мониторинг олиб борилаяпти. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва турларини кўпайтиришнинг 2013 йилга мўлжалланган манзилли дастурига киритилган лойиҳаларни белгиланган муддатларда амалга ошириш бўйича жойлардаги тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатилаяпти.

Тан олиш керак: айни пайтда Қашқадарёда хусусий сектор вакилларини қўллаб-қувватлаш жараёнига барча мутасадди ташкилот ва идоралар қатори O`zLiDeP фаоллари ҳам бирдек жалб этилган. Буни жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда қиймати 895 млн. сўмлик 8 та лойиҳа амалга оширилганидан ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Китоб туманидаги «Севинч» фирмаси ва «Севаз табиий шарбатлари» корхонасида ўсимлик ёғи, «Алибобо орзуси» корхонасида қуруқ сут, Қарши шаҳридаги «Грандбек Реал Инвест»да гўштни қайта ишлаш линиялари ишга туширилди. Яна 5 та лойиҳа бўйича ускуналарни ўрнатиш ишлари якунланаётган бўлса, 4 тасида бино қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, қашқадарёлик тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга O`zLiDeP вилоят кенгаши қошидаги Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими ҳам муносиб ҳисса қўшаяпти.

### «ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКДАН — МУСТАҲКАМ ОИЛАГА»

**O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда Муборак туманида ташкил этган навбатдаги давра суҳбати ана шундай номланди.**
**Анжуманда Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги роли ва мавқеини ошириш бўлими мудири Гулбаҳор Тўраева «Хотин-қизларни тадбиркорликка йўналтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар», Муборак тумани «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раиси ўринбосари Вера Суярова «Қишлоқ аёллари ўртасида касаначиликни тарғиб қилиш», «Сиёсий таълим маркази» раҳбари Ботир Мусурмонов эса «Жамият қурилиши ва ижтимоий-сиёсий жараёнларда аёллар фаоллигини ошириш ҳамда уларни тадбиркорликка йўналтириш борасидаги долзарб вазифалар» мавзуида маъруза қилдилар.**
**— Фаоллар кўмагида чекка ҳудудлардаги аёлларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш мақсадида турли учрашув, мулоқот ва давра суҳбатлари ташкил этаяпмиз, — дейди туман кенгаши депутати Дилором Ҳамроева. — Аёллар ўртасида тадбиркорликни кенг тарғиб этиш, ҳунармандчилик, миллий каштачиликни ривожлантириш мақсадида тарғибот ишлари тобора кучайтирилаётир. Ўтган беш ойда ўн нафар опа-сингилларимизнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишларига ёрдам бердик. Бироқ сиёсий таълим тизимида ташкил этилаётган ўқувлар масаласида ҳозирча кутилган натижаларга эриша олмаяпмиз. Бу эса аёлларимизнинг иқтисодий-ҳуқуқий билимларини ошириш борасида ҳали кўп изланишимиз лозимлигини кўрсатади.**

# «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ЖАМОАСИ

мамлакатимизда фаолият юритаётган барча қалам аҳлини

**27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ**

билан самимий муборакбод этади.
Хонадонингизга файзу барака, ўзингизга сиҳат-саломатлик, шунингдек, ижодий парвозлар тилаб қоламиз.
Байрамингиз муборак, азизлар!









# «KN IBRAKOM»

## КОМПАНИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ



# Партияга аъзо бўлиш юксак масъулиятни зиммага олиш, демакдир

ҚАРШИ ШАҲРИДА O`ZLIDEP САФЛАРИНИ ИЗЛАНУВЧАН ВА ТАШАББУСКОР ЁШЛАР ҲИСОБИГА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАСИГА ЖИДДИЙ ЁНДАШИЛМОҚДА

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI ASR»



Бу эса партия мавқеини мустаҳкамлаш, унинг ғоя ва мақсадларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этаяпти. Шаҳар ҳудудида ҳар жиҳатдан фаол, намунали қуйи бўғинлар оз эмас. Ана шулардан бирига Санжар Содиқов етакчилик қилади. Унинг саъй-ҳаракати билан маслакдошлар бу ерда тўпланиб, партиявий-сиёсий ишларни янада яхшилаш юзасидан амалий таклифларни ўртага ташлашади, мавжуд муаммоларни муҳокама этишади.

Маълумки, ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири хусусий мулкчиликнинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, мулкдорлар сафини янада кенгайтиришдан иборатдир. O`zLiDeP аъзолари жойларда партиянинг дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилиш билан бирга ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, хусусий бизнесни ривожлантириш, бандликни таъминлаш масалаларига жиддий эътибор билан ёндашишмоқда. Президентимизнинг «2012-2013 йилларда давлат мулкини хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, дастурга киритилган корхоналар асосан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш шарти билан инвесторларга сотилаётганлиги бугун барчага яхши маълум. Зеро, бўш турган бинолар ҳам мулкнинг бир тури ҳисобланиб, бозор шароитида улардан унумли ва оқилона фойдаланиш талаб этилади.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят бошқармасида иш олиб бораётган бошланғич ташкилот ҳам ана шу жараёнларда фаол иштирок этмоқда. Унинг 15 нафар аъзоси шаҳардаги маҳалла, корхона ва ташкилотларда ўтказилаётган турли тадбирларда фаол қатнашиб, ёшлар, тадбиркорлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари билан яқин ҳамкорлик қилаяпти. Жумладан, БПТ ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан вилоятнинг турли гўшаларида фойдаланилмай турган 821 та давлат объекти қайта хатловдан ўтказилди. Қолаверса 93931 кв. метр ҳажмдаги 336 та нотурар-жой иншоотлари аниқланиб, 210 та бўш бино тадбиркорларга ижарага берилиши натижасида 432 та янги иш ўрни барпо этилди. Ана шу манбалар ҳисобидан давлат жамғармасига 824,9 млн. сўм маблағ туширилди. Жанубий-ғарбий магистрал электр тармоқлари балансидаги бўш турган объект «Аҳмедов Актам Бухорович» МЧЖга ижарага берилиб, қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Партия фаолларидан Санжар Тошев, Зикир Исмоилов, Дилфуза Эркаева ўз касб бурчларига виждонан ёндашиш билан бирга, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришмоқда.

— Яқинда бўлиб ўтган йиғилишимизда Президентимизнинг халқ депутатлари Тошкент ва Андижон вилоятлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларидаги ҳамда «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзуидаги халқаро конференциядаги маърузалари мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш, партия электорати ва омма ўртасида кенг тарғиб қилиш юзасидан фикрлашиб олдик, — дейди БПТ раиси Санжар Содиқов. — Тадбирда O`zLiDeP вилоят кенгаши раиси Мустафхон Султонов сўзга чиқиб, олдимиздаги долзарб вазифаларни амалга ошириш учун ғоявий-сиёсий ишларни янада кучайтириш, партиянинг ғоя ва мақсадларини одамлар онгига чуқур сингдириш, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштиришда мавжуд куч ва имкониятлардан самарали фойдаланиш лозимлигини таъкидлади.

Қайд этиш жоизки, жамоа аъзоларининг асосий қисми ёшлардан иборат. Шу боис бошланғич ташкилот қошидаги «Ишбилармон ёшлар» клубига иқтидорли, ташаббускор йигит-қизлар жалб этилиб, уларнинг билим ва малакаси, сиёсий дунёқарашини ошириш чоралари кўрилмоқда. Зотан, ислоҳотлар моҳиятини чуқур англайдиган ғоявий етук, юксак маънавиятли инсонларни камол топтириш бугунги кундаги асосий вазифалардан биридир.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фаровонлик калити ҳисобланади. O`zLiDeP эса мулкдорлар манфаатини ҳимоя қиладиган ишончли сиёсий куч сифатида жамият ҳаётидан тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Юқорида тилга олинган БПТнинг кўп қиррали фаолияти ҳам шундан далолат беради.



# Тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори



КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖОРИЙ ЙИЛДА ҲАМ «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» УЧУН ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФА БЎЛИБ ҚОЛАДИ

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»

Банк мутасаддиларининг фикрича, 2013 йилда бу соҳага 484 млрд. сўм миқдорида кредит ажратиш белгиланган бўлиб, жорий йилнинг 1 июнига қадар 199,9 млрд. сўм миқдорида маблағ йўналтирилди. Бу ўтган йилнинг айни даврига нисбатан 1,3 баробарга кўп, демакдир. Таъкидлаш жоизки, ана шулар ҳисобига 4802 та янги айни ўрни яратилди.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам мамлакат молия бозорида жуда катта мавқега эга бўлган мазкур банк томонидан ажратилаётган кредитлар миқдори йилдан-йилга ошиб бораётир. Жорий йилда 48 млрд. сўм миқдорида микрокредит ажратиш режалаштирилгани, 1 июнгача шунинг 21,1 млрд. сўми етказилгани ҳам эътиборга моликдир. Энг муҳими, ана шу маблағ ҳисобидан жойларда 1055 та иш ўрни ташкил этилди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 2013 йилда 29,5 млрд. сўм миқдорида кредит ажратиш белгиланган бўлса, 1 июнга қадар 13 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

Аҳолини сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш долзарб вазифага айлангани боис банк мутасаддилари ушбу тармоққа йўналтирилаётган кредитлар салмоғини ҳам оширмоқдалар. 1 июнгача озиқ-овқат маҳсулотлари турини кенгайтириш учун 38,4 млрд. сўмлик маблағ сарфланди. Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, тармоқ ривожи учун 2013 йил давомида 103,5 млрд. сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган. Мутахассислар 1 июнгача ушбу маблағнинг 49,7 млрд. сўми ишлаб чиқарувчилар эҳтиёжи учун йўналтирилганини таъкидламоқдалар. Шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига жорий йилнинг ўтган даврида 18 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратилди. Бугун касб-ҳунар коллежлари битирувчилари орасида тадбиркорлик соҳасига қизиқиш кучли, албатта. Ташаббускор ва қатъиятли ёшларни «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳам фаол қўллаб-қувватлаяпти. Хусусан, жорий йилда битирувчи ёшларга 4,86 млрд. сўм миқдорида кредит бериш режалаштирилган бўлса, 1 июнга қадар 2,7 млрд. сўм маблағ ажратилди.

Бу ишларнинг узвий давоми сифатида оилавий тадбиркорликка ҳам моддий ва маънавий кўмак берилаётир. Чунончи, ўтган беш ой мобайнида бу йўналишга банк 2,7 млрд. сўм миқдорида кредит ажратди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиздаги энг нуфузли молия муассасаларидан бири бўлган «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАЖ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали минг-минглаб юртдошларимизнинг эзгу мақсадлари, орзу-ниятларининг рўёбга чиқиши учун хизмат қиляпти. Бу эса жойларда хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини янада ошириш имконини бераяпти.

**МУТАХАССИСЛАР 1 ИЮНГАЧА УШБУ МАБЛАҒНИНГ 49,7 МЛРД. СЎМИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ЭҲТИЁЖИ УЧУН ЙЎНАЛТИРИЛГАНИНИ ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР.**

## Депутатлик гуруҳларида

# Булунғурда мутасаддилар ҳисоботи эшитилди. Ва...

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БУЛУНҒУР ТУМАН КЕНГАШИДАГИ O`ZLIDEP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «ҚИШЛОҚ ТУМАНЛАРИ ВА ШАҲАРЛАРИ АҲОЛИСИНИ СИФАТЛИ ИЧИМЛИК СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ВА ТАБИИЙ ГАЗДАН ТЕЖАМЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН МУТАСАДДИЛАР ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛДИ

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI ASR»

Булунғур «Субоқова» ишлаб чиқариш давлат корхонаси таъминот бўлими бошлиғи Саъдулла Эрназаровнинг таъкидлашича, 2012 йили туман аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида 7 та артезиан қудуқ қазиш, 11 км. сув қувури тортиш режалаштирилган эди. Шу кунгача манзилли дастур асосида 4 та аҳоли пунктида 4 та артезиан қудуғи ва 2,6 км. сув қувури тортилиб, бунинг учун давлат бюджетидан 519,8 млн. сўм миқдорида маблағ сарфланди. Айни пайтда яна 3 та артезиан қудуғи қазиш ва қўшимча сув қувурлари тортиш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилиш арафасида.

Бундан ташқари қўшимча чора-тадбирлар дастурига асосан, яна 7 та аҳоли пунктида артезиан қудуқлари қазиш ва 11 км. сув қувури тортиш учун 482,6 млн. сўм ажратилиб, ҳозирда қурилиш ишлари жадал давом этмоқда. Режага кўра, йилнинг иккинчи ярмида 4 та аҳоли пунктида артезиан қудуқлари қазиш ва 3,85 км. сув қувурлари тортиш ишлари ниҳоясига етказилади.

Депутатлик гуруҳи йиғилишида тоза ичимлик сув таъминоти қониқарсиз бўлган «Кулчабий», «Навоий» ҚФЙлари ҳамда туман марказидаги «Самарқанд» ва «Амир Темур» МФЙларида амалга оширилаётган лойиҳалар ижросини қатъий назоратга олиш лозимлиги ҳам таъкидланди.

— Азалдан ота-боболаримиз ичимлик сувни эҳтиётлаб ишлатишган, — дейди O`zLiDeP Булунғур туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Туроббой Раупов. — Афсуски, бугунга келиб орамизда ўз ҳовлисидаги экинларни ичимлик суви билан суғораётганлар ҳам бор. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун депутатларимиз томорқаларни суғориш учун алоҳида миробларни ажратиш юзасидан масъул ташкилотларга мурожаатлар юборишди.

Йиғилишда, шунингдек, «Булунғуртумангаз» раҳбарининг ҳисоботи ҳам эшитилди. Маълумотга кўра, ҳудудда жами 16480 та хонадон табиий газдан фойдаланиб келмоқда. Улгуржи газдан фойдаланувчи хонадонлар эса 374 тани ташкил этади. Айтиш керакки, газ қувурлари етиб бормаган қишлоқлар аҳолиси баллонли газ билан таъминланаётир. Биргина ўтган йилда қишлоқ аҳолисига 460 дона баллонли газ етказиб берилган.

Қизғин баҳс-мунозаралар руҳида ўтган йиғилишда депутатлар аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлашни янада яхшилаш учун ҳудудда «Аҳолини газ билан таъминлаш шохобчаси»ни қуришни таклиф қилдилар.

— Бундан аввал «Ветеринария тўғрисида»ги ҳамда «Наслчилик тўғрисида»ги қонунлар ижроси бўйича ҳам мутасаддилар ҳисоботини эшитгандик, — дейди халқ депутатлари Булунғур туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Алижон Аҳмедов. — Яна бир муҳим масала — депутатлик гуруҳининг сўрови бўйича «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун талаблари асосида туманда хусусийлаштирилган ва бўш қолган объектларнинг бугунги ҳолати ўрганилди. Натижада юридик ва жисмоний шахслар ихтиёридаги 77 та объектда 20 та бино ва иншоот қаровсиз экани аниқланди. Шунинг учун ҳам мазкур масалани туман кенгаши сессияси муҳокамасига киритишга қарор қилдик.

## Савол беринг, жавоб берамиз!

***Яқинда олий ўқув юртига ҳужжат топшириш учун пойтахтга бормоқчи бўлдим. Аммо абитуриентлардан биометрик паспорт талаб қилинади, деган гапни эшитиб, иккиланиб қолдим. Амалдаги паспортга эга бўлсам, биометрик паспорт олишим шартми?***

Кутбиддин Мадаминов,
Наманган вилояти,
Чуст тумани.

**Олий таълим вазирлиги кўрсатмасига асосан шахсини тасдиқловчи паспортга эга бўлган абитуриентлардан ҳужжат топшириш учун биометрик паспорт талаб этилмайди. Амалдаги муддати тугаган ёки жорий йилда паспорт олган абитуриентлар қабул комиссиясига, табиийки, ўзларининг биометрик паспортлари билан мурожаат қилишади.**

*Саволга Ўзбекистон Миллий университети қабул комиссияси масъул ходими Икром Турсунов жавоб берди.*

## Тадбир

# Тошкент вилоятида тоза ҳаво бор

ДУНЁНИНГ ЭНГ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРИДА БЎЛГАНИДЕК, МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАМ ТАБИАТНИ АСРАШ, УНИНГ НЕЪМАТЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШГА ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Хўш, пойтахт вилоятида бу борада қандай ишлар амалга оширилаяпти?

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бўлими бошлиғи Насима Аҳмедованинг таъкидлашича, 2012 йилнинг ўзида ҳудудда фаолият юритаётган 337 та йирик корхона ва ташкилот билан биргаликда экологик муҳитни яхшилаш бўйича 1029 та тадбир ўтказилган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида Олмалиқ тоғ-металлургия ҳамда Ўзбекистон металлургия комбинатлари, «Максам-Чирчиқ» корхоналарига қарашли завод ва цехлардаги 200 дан ортиқ тозалаш ускунаси капитал ва жорий таъмирдан чиқарилган.

— Масалан, «Максам-Чирчиқ» ОАЖнинг кучсиз азот кислотаси ишлаб чиқариладиган цехида азот-углерод оксиди қолдиқларини ушлаб қолувчи ускуна (фильтр) ўрнатилганидан кейин азот $CO_2$ қолдиқларининг ҳавога чиқарилиши олди олинди. «Ўзметкомбинат» очиқ акциядорлик жамиятида ДСП-100 УМК русумли электр пўлат эритиш печи, газ тозалаш ускунаси реконструкция қилинди, — дейди Н.Аҳмедова. — Ўз навбатида, «Бекободцемент» ОАЖда клинкерни қуруқ усулда олиш жараёнида қурумларнинг 99,6 фоизини ушлаб қолиш имконини берадиган чанг-газ ускунаси ўрнатилди.

Мутахассиснинг маълум қилишича, вилоятдаги 14 та чиқиндини қайта ишлаш корхонаси томонидан қайта ишланган қаттиқ чиқиндилардан турли хилдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда.

1426,348 минг тонна яроқсиз автошиналар ва пластмасса маҳсулотларини қайта ишлаш орқали эса болалар спорт майдончалари учун йўлакчалар, сунъий қопламали чимлар, автомобиль бамперлари, шунингдек, халқ хўжалиги учун зарур бўлган 17 хилдаги маҳсулот, хусусан, фермерлар учун яшиклар, канализация ва сув тармоқларида ишлатиладиган қувурлар ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқарилаяпти. Бундан ташқари фермер хўжаликлари билан ҳамкорликда олиб борилган чора-тадбирлар натижасида 2362 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, 42 км. ариқ-зовурлар тозаланган. Шу ўринда вилоят ҳудудида 27 мингдан зиёд дарахт ва 55 минг дона гул кўчатлари экилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

**Равшан ҲАЙДАРОВ.**




**Қонун** ҳимоясида

## Фермер ҳақ экан. Тадбиркор ҳам...

2012 ЙИЛИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ОИД 22118 ТА ХЎЖАЛИК ИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛИБ, МУЛКДОРЛАР ФОЙДАСИГА 19930 МЛН. СЎМ МАБЛАҒ УНДИРИБ БЕРИЛГАН ЭДИ

**Ойбек АСАДОВ,**
Самарқанд вилоят хўжалик суди судьяси

Жорий йилнинг биринчи чорагида эса 291 та тадбиркорлик субъектининг даъвоси қондирилди. Эътиборлиси, хусусий мулк эгалари орасида ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини яхши англовчилар сони тобора ортиб бораётир.

Пайариқ туманидаги «Зулпонтепа» фермер хўжалиги раҳбари ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билмагани сабабли ўн йилдан ортиқ муддат қалб кўрини бериб деҳқончилик қилаётган еридан ажралиб қолишига бир бахя қолди. Бунга қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғининг тақдимномасига асосан фермер билан туман ҳокимлиги ўртасидаги узоқ муддатли ижара шартномаси бекор қилиниб, хўжалик ихтиёридаги 105 гектарлик экин майдонини ҳокимлик захирасига ўтказиш ҳақидаги қарор сабаб бўлди. Суд жараёнида хўжаликнинг кейинги уч йиллик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинганда тайёрлов корхоналари билан тузилган контрактация шартномалари тўлиқ бажарилгани маълум бўлди. Яъни фермернинг ер участкасини узоқ вақт ижарага олиш билан боғлиқ шартнома талабларини бузмагани исботланди. Шу тариқа судда даъвогар ҳақ бўлиб чиқди.

Яна бир мисол: Тайлоқ туманидаги «Зулфат автоқурилишсервис» МЧЖ, туман электр тармоқлари корхонаси, «Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари» ОАЖ ва қўшимча жавобгар Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан тўловга тақдим этилган 3 млн. сўмликдан ортиқ инкасса топшириқномасини суд асоссиз, деб топди ва ноқонуний ундирилган олти юз минг сўмдан ортиқ маблағни қайтариш тўғрисида қарор чиқарди. Бир сўз билан айтганда, ушбу ҳолатда ҳам тадбиркорнинг ҳақ экани одил судлов томонидан исботланди.

Мазкур мисоллардан сўнг ўқувчида «нега шундай бўлди?» деган ҳақли савол туғилиши табиий. Жавоби эса битта: у ҳам бўлса, айрим мутасадди идоралар тадбиркорларнинг қонунларни яхши билмасликларидан фойдаланмоқчи бўладилар. Бу эса ҳар қандай тадбиркор ёхуд фермер амалдаги қонунлардан тўлиқ хабардор бўлиши кераклигини англатади.

Реклама

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

**«ARSH SAVDO–ELIT» МЧЖ**

**БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

Аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

**1.** «Водийнефтгазишчитаъминот» очиқ акциядорлик жамияти бошқарув органининг **2013** йил **14** июндаги умумий йиғилиш баённомаси ҳамда «Водийнефтгазишчитаъминот» ОАЖнинг **24.06.2013** йилдаги **32**-сонли алоқа хатига асосан Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, Андижон ШФЙ, Мамажонова кўчаси, **1**-уйда жойлашган «Водийнефтгазишчитаъминот» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли,

— **2001** йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли, давлат белгиси **60573** JAA бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси **8500000** (саккиз миллион беш юз минг) сўм;

— **1995** йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ **2107**» русумли, давлат белгиси **17** АН **420** бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси **1236956** (бир миллион икки юз ўттиз олти минг тўққиз юз эллик олти) сўм;

**2.** Давлат-тижорат «Халқ банки» бошқарув комиссиясининг **2011** йил **25** декабрдаги йиғилиш баёни ҳамда ДТ «Халқ банки» Андижон вилоят филиалининг алоқа хатига асосан Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Олтинкўл кўчаси, **3**-уйда жойлашган ДТ «Халқ банки» Андижон вилоят филиали ихтиёридаги;

— «Халқ банки» Қўрғонтепа туман филиалига қарашли, **1995** йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ **2106**» русумли давлат белгиси **17** AG **158** бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси **960000** (тўққиз юз олтмиш минг) сўм;

— «Халқ банки» Хонобод шаҳар филиалига қарашли, **1995** йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ **2106**» русумли, давлат белгиси **17** AG **159** бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси **1080 000** (бир миллион саксон минг) сўм;

— «Халқ банки» Қорасув шаҳар филиалига қарашли, **1995** йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ **2109**» русумли, давлат белгиси **17** AG **509** бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси **1180 000** (бир миллион бир юз саксон минг) сўм;

— «Халқ банки» Хўжаобод филиали балансидаги **1991** йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ **21063**» русумли, давлат белгиси **17** AF **246** бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси **1020000** (бир миллион йигирма минг) сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 29 июль куни соат 11.00 да ташкил этилади. Ушбу кунда аукцион савдоси бўлиб ўтмади, деб эътироф этилган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йилнинг 31 июль, 5,7,9 август кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситасига қизиқиш билдирган харидорлар юқоридаги манзил бўйича бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиз миқдорида гаров пули тўлайдилар. Гаров пули жамиятнинг ТИФ «Миллий банк» Андижон вилоят филиалидаги МФО: 00074, ИНН: 205987298, 20208000904456131001 ҳисоб рақамига тўланиши шарт.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёки харидорлар аризалари эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) аукцион савдоси ўтказилишига 1 (бир) соат қолгунга қадар Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 107-хонада қабул қилинади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар Низом ва гувоҳнома ҳамда таъсис ҳужжатлари нусхалари, ваколатли шахслар эса белгиланган тартибда ишончнома тақдим қилишлари лозим.

**Қўшимча маълумот учун: Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 107-хона. Мўлжал: Андижон вилояти Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси биноси, 1-қават.**

Хизматлар лицензияланган. Гувоҳнома №00126











# Муборак газни қайта ишлаш заводи жамоаси

**юртимиздаги барча оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрами билан табриклайди. Сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган устувор сиёсат натижасида матбуот чинакам халқ минбарига айланди. Ана шу минбарлардан туриб билдираётган фикрларингиз янада жўшқин ва таъсирчан бўлишини тилаймиз.**



Юртимизда фаровон ҳаёт,
янги жамият қуриш,
мамлакатимизни
модернизациялаш,
иқтисодиётимиз
самарадорлигини
оширишда матбуотнинг
ўрни беқиёсдир.
Ана шу йўлда
доимо интилиб,
изланиб яшаётган
журналистларни

**27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ.**

Қаламингиз сеҳри ва
қалб ҳароратингиз
орқали
яралаётган ижодий
ишларингиз халқимиз
камолотига хизмат қилаверсин!

# «ШЎРТАННЕФТГАЗ»

## унитар шўъба корхонаси жамоаси





